O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIY TARAQQIYOT VA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VAZIRLIGI

O‘zbekiston Respublikasi
Moliya vazirligi

YOSHLAR YUQORI MARRALAR

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI O‘QUV MARKAZI

“Ёшлар – юқори марралар” платформаси доирасида “Ёшларга инвестиция: молиявий ва иқтисодий билимлар асосида” мавзусида ташкил этиладиган ўқув семинари

ҚЎЛЛАНМАСИ

Тошкент – 2022

МУНДАРИЖА

Азимжон ХАСАНОВ

Бюджет маблағларини фуқаролар ташаббуси асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш механизмларини такомиллаштириш 2

Юлдашев НУРБЕК

Ўзбекистонда камбағаллик даражасини қисқартириш ислоҳотлари 18

Умид ҲАМРОЕВ

Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати концепциясининг асосий йўналишлари 31

Сарвар НАЗАРОВ

Давлат харидлари соҳасидаги ислоҳотлар 41

Жасур КАРШИБАЕВ

Давлат қарзи ҳолати ва динамикаси 50

Зуфар НУРИДДИНОВ

Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш 56





“Бюджет маблағларини фуқаролар ташаббуси асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш механизмини такомиллаштириш” мавзуси бўйича тушунчалар изоҳи

Бюджетдан ажратиладиган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчилар учун назарда тутиладиган пул маблағлари.

Давлат бюджети – давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармасидир.

Давлат бюджетининг очиқлик принципи – Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш тартиб-таомилларининг жамият ва оммавий ахборот воситалари учун очиқлигини, шунингдек, бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирок этиши мумкинлигини;

тасдиқланган Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари тўғрисидаги ахборотнинг оммавий ахборот воситаларида ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинишини (чоп этилишини);

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижросининг бориши тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида чоп этилишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши ва янгилаб борилишини англатади.

Жамоатчилик фикри – мавжуд маҳаллий муаммоларни бартараф этиш мақсадида туман (шаҳар)да истиқомат қилувчилар учун аҳамиятга эга бўлган тадбирларни тегишлича туман (шаҳар) бюджети маблағлари ҳисобига амалга ошириш бўйича белгиланган тартибда билдирилган таклифлар.

Очиқ бюджет – бу фуқароларнинг турли даражадаги бюджетлар тўғрисида тушунишлари учун мавжуд бўлган маълумотларни шакллантиришга қаратилган давлат сиёсати.

“Очиқ бюджет” (openbudget.uz) ахборот портали – Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаларини жойлаштиришни назарда тутувчи портал.

Ташаббусли ёки партисипатор бюджетлаштириш – бу маҳаллий аҳамиятдаги масалаларни бюджетни жамоатчилик фикри асосида шакллантиришга асосланган ҳолда бюджет маблағларини сарфлаш объектларини аниқлаш ва танлаш, шунингдек, танланган лойиҳаларнинг амалга оширилишини бевосита фуқаролар иштирокида назорат қилиш орқали ҳал қилишнинг турли-туман амалиётлари жамламаси.

Фуқароларнинг бюджет қарорларида иштирок этиш механизми – бу бюджет маблағлари ҳисобидан фуқароларни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал қилиш мотивациясига асосланган жараёнлар комплекси.

Фуқаролар таклиф киритиши мумкин бўлган лойиҳанинг максимал қиймати – фуқаролар ёки ташаббусли гуруҳлар томонидан илгари сурилган лойиҳанинг умумий қиймати 1 млрд. сўмдан (базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 минг баробаридан) ошмаслиги керак.

“Фуқаролик ташаббуси жамғармаси” – туман (шаҳар) бюджетларининг тегишли маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш учун туман (шаҳар) ҳокимликларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклидаги махсус шахсий ғазна ҳисобварағи.

Фуқаролар ташаббуси гуруҳи – жамоатчилик манфаатлари йўлида жамоатчилик фикрини кенгайтириш мақсадида шакллантирилган икки ва ундан ортиқ фуқаролар гуруҳи.

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИ ФУҚАРОЛАР ТАШАББУСИ АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИЛГАН ТАДБИРЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Азимжон Хасанов *–*
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети департаменти Бош мутахассиси




Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ–5072-сон **“Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарори қабул қилинди.

Халқ билан очиқ мулоқот натижалари асосида тайёрланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “**Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили**”да амалга оширишга оид давлат дастурида жорий йилда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда ҳар бир ҳудудда биттадан туман (шаҳар) бюджетини шакллантиришда **харажатларнинг камида 5 фоизини** бевосита аҳолининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб, маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш тартиби эксперимент тариқасида жорий этилиши кўзда тутилган.

Молия вазирлиги томонидан 2019 йилда “Очиқ бюджет” ахборот портали ишга туширилди

Очиқ бюджет
ахборот портали



OpenBudget
O'zbekiston Respublikasi
"Ochiq Budget" Portali

Порталда қуйидагилар кўзда тутилган:

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари **ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар**, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси **Ҳисоб палатасининг хулосаларини** жойлаштириш орқали бюджет харажатларининг манзиллилиги устидан **жамоатчилик назоратини** амалга ошириш;

жамоатчилик фикрини шакллантириш учун туман (шаҳар)лар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилиш таклиф этилаётган тадбирлар тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш;

бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатлари тўғрисида хабардор қилиш ва бюджет жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш имкониятини ўз ичига олган **фуқаролар билан қайта алоқани ташкил этиш.**

Ташаббусли бюджет жараёнининг жорий қилиниши



2019 йилдан бошлаб бюджет маблағларини тақсимлашда туманлар (шаҳарлар) бюджети қўшимча манбаларининг камида **10 фоизини жамоатчилик таклифи** асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни назарда тутган ҳолда фуқаролар иштирокини таъминловчи механизм жорий қилинди.



2021 йил 1 июлдан бошлаб жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдори **10 фоиздан 30 фоизга оширилди**.

2021 йилдан бошлаб **14 та** туман ва шаҳарларда эксперимент тариқасида тегишли бюджет харажатларининг **5 фоиз қисми** ташаббусли бюджет жараёнларига йўналтирилиши белгиланди.



Мазкур 14 та туман ва шаҳарлар учун жорий йилда истисно тариқасида республика бюджети ҳисобидан жами **92,7 млрд. сўм** маблағлар ажратилди.



2022 йилдан бошлаб эса мазкур тартиб республиканинг **барча туман ва шаҳарларига** татбиқ этилади.



Жамоатчилик фикри асосида бюджет маблағларини йўналтиришнинг амалдаги механизми қайта кўриб чиқилди

– фуқаролик ташаббусларини амалга оширишнинг қуйидаги **босқичлари жорий этилмоқда:**

1) ташаббускор фуқаролар томонидан туман (шаҳар) инфратузилмасини яхшилаш бўйича таклиф/лойиҳаларни тақдим этиш;

2) тақдим этилган таклиф/лойиҳаларни тасдиқланган мезонларга мувофиқ саралаб олиш;

3) танловдан ўтган ташаббускор фуқароларнинг таклиф/лойиҳаларини жамоатчилик овозига қўйиш;

4) оммавий овоз бериш натижаларига кўра ғолиб бўлган таклиф/лойиҳаларни аниқлаш;

5) жамоат назорати ва фуқаролик ташаббусларини амалга оширилишини мониторинг қилиш.

– туман (шаҳар) инфратузилмасини яхшилаш учун ташаббускор фуқаролар томонидан тақдим этилган **таклиф/лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш мезонларини** ишлаб чиқиш.



Пул маблағларини тўплаш тартиби жорий этилди



“Фуқаролар ташаббуси” жамғармаси

туман (шаҳар) бюджетлари даражасида:




5% тасдиқланган харажатларнинг 5% миқдорида

30 қўшимча манбаларнинг камида 30% миқдорида

Фуқаролар ташаббуси асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун маблағларни жамлаш мақсадида туман (шаҳар) бюджетлари даражасида (тасдиқланган харажатларнинг 5% ва қўшимча манбаларнинг камида 30% миқдорида) махсус ғазна ҳисобварақлари **“Фуқаролик ташаббуси жамғармаси”** очилди.

“Фуқаролар ташаббуси” жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари





Бюджет кодексининг 119-моддасига биноан туманлар ва шаҳарларнинг қўшимча манбалари қуйидагилардан иборат:

- ☑ ҳар йил бошида аниқланадиган эркин қолдиқ маблағлари;
- ☑ биринчи - учинчи ҳисобот чораклари натижалари бўйича аниқланган туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлари прогнозини ортиқча бажариш;
- ☑ давлат даромадига ўтказилган мулкни сотишдан тушадиган маблағлар;
- ☑ электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тушадиган маблағлар;
- ☑ Бюджет кодексининг 120-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ бюджет маблағлари камайиши натижасида бўшатилган маблағлар.

Кенг ахборот компаниясини ўтказиш


Туманлар (шаҳарлар) ҳокимиятлари:



феврал; июль


- аризалар / таклифлар / лойиҳаларни қабул қилишнинг охирги муддати;
- аризалар / таклифлар / лойиҳаларни тақдим этиш тартиби;
- аризалар / таклифлар / лойиҳалар учун танлов мезонлари;
- туман (шаҳар) инфратузилмасини яхшилаш бўйича аризалар / лойиҳалар / таклифларни қабул қилишни бошлаш.

Маҳаллий ҳокимият органлари (оммавий ахборот воситалари, телевидение ва бошқа ахборот манбалари орқали) фуқароларни тадбирдан хабардор қиладилар ва ариза (таклифларни) қабул қилишни бошлайди.



1-босқич

Молия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар билан ишлаш агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари



Ташаббусли бюджет жараёнини амалга ошириш механизмини, унинг моҳиятини кенг ёритиш мақсадида **методик ҳамда ўқув материаллари тайёрлайди ва тарқатади.**

феврал; июль

2-босқич



Ташаббускор фуқаролар томонидан **тасдиқланган мезонларга, асосан,** ўзларининг маҳалла ёки туман (шаҳар)даги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар **“Очиқ бюджет”** ахборот порталига жойлаштирилади.

30 кун давомида





- ✓ Таклифлар тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи **вояга етган фуқаролар** томонидан берилиши мумкин.
- ✓ Таклиф бериш истагини билдирувчи шахслар белгиланган тартибда “Очиқ бюджет” ахборот порталида **рўйхатдан ўтади.**

- ✓ Фуқароларда “Очиқ бюджет” ахборот порталидан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаса, улар **ўз овозларини** тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги молия бўлимида **ёзма равишда** қолдириши мумкин.
- ✓ Ёзма равишда тақдим этилган овозлар туман (шаҳар) ҳокимлиги **молия бўлимининг масъул ходими** мустақил равишда “Очиқ бюджет” ахборот порталига киритади.



Тадбирлар қуйидаги мезонлар асосида танлаб олинади:




- ✓ туман (шаҳар)нинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларидан келиб чиқиб, шунингдек, аҳолидан тушаётган мурожаатлардаги муаммолар;
- ✓ **жамоавий муаммоларни ҳал этишга қаратилганлиги** (хиёбонлар, болалар майдончаси барпо этиш, ички йўлларни ва ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш, экологияни яхшилаш, ичимлик ва оқова суви билан таъминлаш, кўча чироқларини ўрнатиш (таъмирлаш) ва шу кабилар);
- ✓ жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар **идоравий ёки шахсий хусусиятга эга бўлмаслиги** (шахсий автомашина ёки турар-жой харид қилиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маъмурий биноларни таъмирлаш);
- ✓ берилган таклифларни амалга оширишнинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг **4 минг бараваридан** ошмаслиги лозим.

ИШЧИ ГУРУҲНИНГ НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ:

1 бирлик	1 бирлик	келишув асосида	1 бирлик	1 бирлик	келишув асосида	келишув асосида
ҳокимнинг биринчи ўринбосари – **комиссия раиси**	ҳокимнинг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари	туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг вакили	Туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи	Туман (шаҳар) ҳокимлиги молия бўлими мудири (вакили)	Туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши вакили	Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари

*заруратга кўра, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ишчи гуруҳ таркибига бошқа мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин.

Тадбирлар қуйидаги мезонлар асосида танлаб олинади:



- ✓ туман (шаҳар)нинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларидан келиб чиқиб, шунингдек, аҳолидан тушаётган мурожаатлардаги муаммолар;
- ✓ **жамоавий муаммоларни ҳал этишга қаратилганлиги** (хиёбонлар, болалар майдончаси барпо этиш, ички йўлларни ва ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш, экологияни яхшилаш, ичимлик ва оқова суви билан таъминлаш, кўча чироқларини ўрнатиш (таъмирлаш) ва шу кабилар);
- ✓ жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар **идоравий ёки шахсий хусусиятга эга бўлмаслиги** (шахсий автомашина ёки турар-жой харид қилиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маъмурий биноларни таъмирлаш);
- ✓ берилган таклифларни амалга оширишнинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг **4 минг бараваридан** ошмаслиги лозим.

ИШЧИ ГУРУҲНИНГ НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ:

1 бирлик	1 бирлик	келишув асосида	1 бирлик	1 бирлик	келишув асосида	келишув асосида
ҳокимнинг биринчи ўринбосари – **комиссия раиси**	ҳокимнинг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари	туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг вакили	Туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи	Туман (шаҳар) ҳокимлиги молия бўлими мудири (вакили)	Туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши вакили	Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари

*заруратга кўра, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ишчи гуруҳ таркибига бошқа мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин.

Оммавий овоз бериш

4-босқич

Жамоатчилик томонидан овоз бериш жараёни ўтказилади

- ✓ Овоз бериш таклифлар жойлаштирилган санадан эътиборан **ўн иш куни** давомида ўтказилади.
- ✓ “Очиқ бюджет” ахборот порталида рўйхатдан ўтган ҳар бир шахс “Очиқ бюджет” ахборот порталида жойлаштирилган **фақат бир таклифга овоз бериши мумкин.**



Ғолибларни аниқлаш

Овоз бериш жараёни якунларига кўра, ҳар бир ҳудудда энг кўп овоз тўплаган таклифлар ғолиб деб топилади ва таклифларга берилган овозлар сонидан келиб чиқиб **юқоридан пастга қараб саралаб олинади**.

Ғолиб деб топилган таклифларни амалга оширишнинг жами қиймати тегишли жамғармада мавжуд маблағлар миқдоридан **ошиб кетиши мумкин эмас**.

20 иш куни




7 кун

5-босқич

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари, Комиссия



Овоз бериш жараёни якунларига кўра, **ғолиб таклифларни** молиялаштириш юзасидан овоз бериш жараёни якунланган санадан эътиборан бир ҳафта муддатда тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига **кўриб чиқиш учун киритади.**



6-босқич

Халқ депутатлари Кенгашлари



Овоз бериш жараёни якунларига кўра, ғолиб деб топилган таклифлар (лойиҳалар)ни амалга ошириш учун **маблағ ажратиш юзасидан қарор тасдиқланади.**

Маъқулланган таклифларни “Очиқ бюджет” ахборот порталида ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали **эълон қилиб боради.**

25 апрелга қадар;
25 сентябрга қадар

7-босқич

8-босқич

9-босқич



Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари:



Лойиҳаларни амалга ошириш (тендерларни ўтказиш, пудратчиларни ёллаш ва бошқалар)



Оммавий ахборот воситаларида лойиҳаларнинг бориши тўғрисида маълумотларни эълон қилиб бориш ва эришилган натижалар тўғрисида ҳисоботни **“Очиқ бюджет”** ахборот порталига жойлаштириш



Йил якунига кўра жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши юзасидан Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашига **ҳисобот киритилади**.

Йил давомида

Ҳар ойлик

Кейинги йил 25 январгача

10-босқич



Халқ депутатлари Кенгашлари:

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ҳар йили 1 февралга қадар туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан киритилган ўтган йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни тасдиқлайди.

Кейинги йил 1 февралгача



11-босқич

Ишчи комиссия:



Ҳар йили **10 февралга қадар** ўтган йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши юзасидан **тасдиқланган ҳисоботни** “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштиради.

Кейинги йил 10 февралгача

Жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш механизми янада кенгайтирилди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги ПҚ–5250-сон ““Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

- Фуқаролар томонидан келиб тушган таклифларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”да 1 млрд. сўмдан кам маблағ шаклланган 120 та туман ва шаҳар учун қўшимча **57,9 млрд. сўм;**
- “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали келиб тушган таклифлар сони 100 тадан ошган 119 та туман ва шаҳарларнинг ҳар бирига қўшимча 500 млн. сўмдан жами **59,5 млрд. сўм** маблағлар ажратилди.



2022 йилдан бошлаб туман (шаҳар) бюджетидан ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг **50 фоизини** жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларга йўналтирилиши бўйича **янги тартиб жорий этилмоқда.**



Жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш, институционал потенциални ошириш бўйича “**Йўл харитаси” тасдиқланди.**



Ҳар бир маҳалла ва овулда “Очиқ бюджет” ахборот порталида таклиф қолдириш ва овоз бериш жараёнига кўмаклашувчи “**мобил”** гуруҳлар ҳамда “**ташаббускорлар бурчаги**” ташкил этилади.


Жамоатчилик фикри асосида шаклланган бюджет (ЖФШБ) – маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларига туман/шаҳар бюджетлари маблағларининг бир қисмини бевосита фуқароларнинг ташаббуси асосида йўналтириш: таклифлар беришдан ғолибларни аниқлаб олишгача

1-босқич

ЖФШБ лойиҳаларини ишга туширилиши ҳақида хабардор қилиш

1 февраль ҳамда 15 июлгача

2021 йил **май** ойида



туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан маҳаллалар, оммавий ахборот воситалари, **“Очиқ бюджет”** ахборот портали ва бошқа ахборот манбалари орқали лойиҳаларни тақдим этиш тасдиқланган мезонлар ва бошқа шартлар ҳақида аҳолини хабардор қилади.

Лойиҳаларни танлаш февраль ва июль ойларида амалга оширилади


2-босқич

Таклиф бериш: манфаатдор фуқаролар ўз маҳаллалари, аҳоли пунктлари ва туманларининг муаммоларини ҳал этиш бўйича **“Openbudget.uz”** платформаси орқали лойиҳаларга таклиф қолдирадилар

30 кунгача

Буни қандай амалга ошириш керак?

1. **«Openbudget.uz»** сайтидан рўйхатдан ўтиш шахсий кабинет очилади
2. шахсий кабинетда **ТАКЛИФ ҚОЛДИРИШ** вариантини танлаш — бунда таклиф қолдириш шакли юкланади
3. **АРИЗА ШАКЛИ ТЎЛДИРИЛАДИ** лойиҳага таклифлар қолдирилади
4. шахсий кабинетда тегишли **ХАБАРНОМА** пайдо бўлади



O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi

YOSHLAR YUQORI MARRALAR

3-босқич

Лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва танлаш:

Ишчи комиссия келиб тушган лойиҳаларни тасдиқланган мезонларга мувофиқлигини ўрганади

15 иш куни

Лойиҳалар:

- ҳудуд (шаҳар)нинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиши керак
- таклиф берувчининг шахсий манфаатларига қаратилмаслиги керак (шахсий машина сотиб олиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бошқалар)
- лойиҳанинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг **4 000** бараваридан (**≈ 1 миллиард сўм**) ошмаслиги керак

ҲОКИМИЯТ БЎЛИМЛАРИ ВА ИШЧИ КОМИССИЯ:



лойиҳаларни иқтисодий ва техник экспертизадан ўтказади

лойиҳаларни тасдиқланган мезонларга мувофиқлигини текширади ва саралайди

жамоатчилик овози учун жойлаштиради

танловдан ўтмаган лойиҳалар бўйича шахсий кабинетга маълумотлар юборилади

4-босқич

20 иш кунгача

"Openbudget.uz" сайтида жамоатчилик овози – фуқаролар лойиҳаларга овоз беради



Ҳар бир фуқаро фақат битта лойиҳа учун овоз бериш ҳуқуқига эга

5-босқич

7 кун

Ғолиб деб топилган лойиҳаларни эълон қилиш – Ишчи комиссия энг кўп овоз тўплаган ғолиб-лойиҳаларни эълон қилади



Ғолиб-лойиҳалар-нинг сони жорий саралаш босқичида амалга ошириш учун ажратилган маблағлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади

2021 йилда туман (шаҳар)лар томонидан қўшимча равишда олинадиган даромаднинг **10** фоизи (1 июлдан 30%)

ЖФШБ лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилади

Тажриба тариқасида олинган туман (шаҳар)ларда + бюджет харажатларининг **5** фоизи миқдорида

2022 йилдан бошлаб ҳар иккала манбалар бўйича барча туман (шаҳар)ларда амалга оширилади

O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi

OpenBudget O'zbekiston Respublikasi "Ochiq Budget" Portali

UNDP

O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi

YOSHLAR YUQORI MARRALAR

Жамоатчилик фикри асосида шаклланган бюджет (ЖФШБ)

маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларига туман/шаҳар бюджетлари маблағларининг бир қисмини бевосита фуқароларнинг ташаббуси асосида йўналтириш

- Туман/шаҳар фуқаросига ўзларини қийнаётган муаммоларини ҳал қилишда иштирок этиш имкониятини беради
- Фуқаролар фаоллигини оширади
- Фуқаролар ва маҳаллий ҳокимиятларнинг ўзаро ҳамкорлигига ўз ҳиссасини қўшади



БУ МУҲИМ ! **Жамоатчилик иштирокининг ушбу шаклини муваффақиятли қўллашда маҳаллий ҳокимият органларининг ёрдами ва аҳолининг фаоллиги зарур**

Кимлар иштирок этиши мумкин?



Ҳар бир вояга етган фуқаро



Фуқаролар жамоаси

Ҳуқуқий асос

- **Бюджет кодексининг** 126-моддаси
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сон **"Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги** Қарори
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сон **"Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги** Қарори



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIY TARAQQIYOT VA KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VAZIRLIGI

O'zbekiston Respublikasi
Moliya vazirligi

YOSHLAR YUQORI MARRALAR

Иштирок этиш учун нималар зарур?



Таклифни – ЖФШБ лойиҳасини тайёрлаш



"Очиқ бюджет" **openbudget.uz** порталида рўйхатдан ўтиш



"Очиқ бюджет" порталига лойиҳа тақдим этиш

Ундан сўнг?



Ишчи комиссия томонидан таклифлар/лойиҳаларни белгиланган мезонларга мувофиқлигига текшириш, лойиҳаларни иқтисодий ва техник экспертизадан ўтказиш



Онлайн жамоатчилик овози – ғолибларни танлаб олиш



техник экспертизадан ўтган лойиҳаларни "Очиқ бюджет" порталида овоз бериш жараёнига ўтказиш

Фуқаролар томонидан таклиф этилган лойиҳаларни кўриб чиқиш бўйича ишчи Комиссиянинг таркиби

- Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ходимлари
- Туман (шаҳар) халқ депутатлари
- Жамоатчилик кенгаши вакиллари
- Нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари



ФУНКЦИЯ ВА ФАОЛИЯТ БОСҚИЧЛАРИ

Фуқаролар томонидан тасдиқланган мезонларга мувофиқлиги учун тақдим этилган лойиҳаларни кўриб чиқиш, шунингдек, уларни иқтисодий ва техник экспертизадан ўтказиш

Жамоатчилик овози учун жойлаштириладиган текширув ва экспертиза натижалари асосида лойиҳалар рўйхатини шакллантириш

Ғолиб деб топилган лойиҳаларни аниқлаш учун жамоатчилик овози бўйича натижаларни ҳисоблаш

Фуқаролар томонидан тақдим этилаётган лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирилаётган маблағлар



Туман (шаҳар) бюджетларининг қўшимча манбаларининг

10% (2021 йил 1 июлдан бошлаб – камида 30%)

Туман ва шаҳар тасдиқланган бюджет харажатларининг **5%**

- 2021 йил майдан бошлаб вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг тажриба тариқасида танлаб олинган туманида (шаҳрида)
- 2022 йил 1 январдан бошлаб республиканинг барча туман (шаҳар)ларида

Ҳар бир туман (шаҳар) даражасида ташкил этиладиган **"Фуқаролик ташаббуси жамғармаси»**

ЖФШБ лойиҳаларини амалга ошириш учун **"Фуқаролик ташаббуси жамғармаси"дан** маблағ ажратиш

Он-лайн жамоатчилик овози натижаларига кўра, халқ депутатлари туман (шаҳар)лар Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган жамоатчилик фикри асосида танлаб олинган фуқаролик ташаббуслари таклифлари (лойиҳалари)ни молиялаштириш тўғрисида тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг қарори (фармойиши) лойиҳаси тайёрланади

Қаердан батафсил маълумот ёки маслаҳат олиш мумкин?

"Очиқ бюджет" **openbudget.uz** сайтида

Ҳокимият молия бўлими

Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги сайтида

Жойларда ўтказилаётган ЖФШБ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича семинарлар

ОАВ (телевидение, радио, газета ва журналлар)

Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли



ЖФШБ лойиҳаларини танлашнинг навбатдаги саралаш босқичини эълон қилиш



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) кўмагида туман (шаҳар) аҳолиси ўртасида ЖФШБ лойиҳаларини саралаш тартиби ва мезонлари бўйича тушунтириш ишларини (семинар ва тренинглар) олиб бориш



ЖФШБ лойиҳалари юзасидан таклифларни "Очиқ бюджет" платформаси ёрдамида (ёки очиқ тартибда) қабул қилиш



Тақдим этилган ЖФШБ лойиҳаларини белгиланган мезонларга мувофиқлигини текшириш ва лойиҳаларни иқтисодий экспертизадан ўтказиш



Жамоатчилик онлайн овоз бериш жараёнини ўтказиш ва натижаларни ҳисоблаш



Жамоатчилик овози учун текширувдан ўтган лойиҳаларни жойлаштириш



ЖФШБ лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш



Лойиҳаларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш



ЖФШБ лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини очиқ бюджет порталига жойлаштириш



Ижтимоий сўров натижалари – фуқароларни қийнаётган муаммолар



Йўл қурилиши ва таъмирлаш



Кўчаларни ёритиш тизимларини ўрнатиш ва таъмирлаш



Ижтимоий муассасаларни таъмирлаш ва жиҳозлаш (мактаблар, болалар боғчалари ва бошқалар)



Ичимлик суви билан таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ва бошқалар

Ўзбекистонда камбағаллик даражасини қисқартириш ислоҳотлари мавзуси бўйича тушунчалар изоҳи

Камбағаллик – аҳоли иқтисодий имкониятларининг ҳаёт кечириш учун зарур минимал эҳтиёжларини қондиришига етарли даражада бўлмаслиги.

Камбағаллик чегараси – аҳолининг реал харажатлари таркибидан келиб чиқиб ҳисобланадиган бир киши учун минимал истеъмол харажатлари қиймати.

Минимал истеъмол харажатлари (кейинги ўринларда – минимал харажатлар) – уй хўжаликларининг реал истеъмол қийматлари ва таркибини ўрганиш асосида уларнинг соғлом ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар ҳамда хизматлар учун минимал харажатларнинг ҳисобланган қиймати.

Минимал килокалория – инсон организмининг ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган минимал энергиявий қиймат.

Уй хўжалиги – маълум бир уй-жойда бирга яшовчи, даромадларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирган ҳолда умумий рўзғор юритувчи кишилар гуруҳи. Бунда уй хўжалиги аъзолари ўртасида қариндошлик алоқалари бўлиши шарт эмас.

Уй хўжаликлари танланма кузатуви – уй хўжалиги бюджетининг шаклланиши ва тақсимланишини аниқлаш ҳамда уларнинг ҳаёт даражасини кузатишга йўналтирилган танланма сўров усули.

Энгель коэффициенти – уй хўжалигининг жами харажатлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари қийматининг улуши.

Маҳаллабай ишлаш тизимининг бўғинлари – Республика ҳудудларида “маҳаллабай” ишлаш тизимини ташкил этиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда – Республика комиссияси), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман (шаҳар)лар ҳокимликлари, мувофиқлаштирувчи гуруҳлар, бошқарув офислари ва доимий вакиллар.

Республика комиссияси – ҳудудларда “маҳаллабай” ишлаш тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб борувчи коллегиал орган.

Доимий вакил – Республика комиссиясининг қарори билан ҳар бир маҳаллага тижорат банкларининг туман (шаҳар) филиалларидан доимий асосда бириктирилган масъул ходим.

Бошқарув офиси – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда – секторлар) ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан ташкил этилган республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари ва ходимларидан иборат бошқарув офиси.

Мувофиқлаштирувчи гуруҳ – туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари раҳбарлик қиладиган гуруҳ.

Маҳалла паспорти – Республика комиссияси томонидан намунавий шакл асосида тасдиқланадиган маҳалла ҳудудида жойлашган хонадонлар, уларда яшовчи аҳоли таркиби, ижтимоий соҳа объектлари, мавжуд ресурслар, ер майдонлари, бўш бино ва иншоотлар, инфратузилма объектлари, шунингдек, фаолият юритаётган тадбиркорлар тўғрисидаги асосий маълумотларни ўз ичига қамраб олган йиғма жадвал.

Маҳаллани ривожлантириш йўналишлари – Республика комиссияси томонидан намунавий шакл асосида тасдиқланадиган мавжуд ресурслар, инфратузилма ва ишчи кучидан фойдаланган ҳолда маҳалла ҳудудида имконияти мавжуд соҳаларда “драйвер” лойиҳалар амалга ошириладиган “Йўл харитаси”.

Темир дафтар – ижтимоий аҳволи ҳамда турмуш шароити оғир ҳамда сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратга олинган оилаларни қайд этиш, муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси (“SAXOVAT.ARGOS.UZ”).

“Темир дафтар”га қуйидаги тоифадаги оилалар киритилади:

• кам таъминланган оила, деб эътироф этилган оилалар;

• ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган аъзолари мавжуд оилалар;

• кам таъминланган якка-ёлғизлар ва кексалар;

• боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд оилалар;

• кўп (4 ва ундан ортиқ) фарзандли моддий кўмакка муҳтож оилалар;

• меҳнатга лаёқатли ишсиз аъзолари мавжуд эҳтиёжманд оилалар;

• тиббий ёрдамга муҳтож эҳтиёжманд оилалар (сурункали ёки оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган ва ногиронлик гуруҳи белгиланмаган аъзолари мавжуд етарли даромад манбаига эга бўлмаган оилалар);

• нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзи ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой бўлмаган эҳтиёжманд оилалар.

“Темир дафтар”дан оилалар қуйидаги ҳолларда чиқарилади:

• бандлиги таъминланган ёки доимий даромад манбаига эга бўлганда;

• бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш орқали муаммоси ҳал этилганда оила аъзосининг розилиги билан;

• малакали тиббий хизмат кўрсатилганда;

• тўлиқ давлат таъминотига олинганда (“Меҳрибонлик”, “Саховат” ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларга ўтказилганда);

• аниқланган бошқа муаммолари қонуний ҳал этилганда;

• ёлғиз яшайдиган эҳтиёжманд фуқаро озодликдан маҳрум этилганда ёки вафот этганда;

• оила аъзосининг мурожаатига асосан;

• “Темир дафтар”га ноқонуний киритиш ҳолати аниқланганда;

• бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда.

“Аёллар дафтари” – ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси.

“Аёллар маслаҳат кенгаши” – ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга кўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг фарзанд тарбиясидаги ролини ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган маслаҳатлар бериш, “одобли қиз”, “иффатли келин” ва “маърифатли аёл” ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида ҳар бир фуқаролар йиғинида ташкил этиладиган ва жамоатчилик асосида фаолият юритувчи тузилма.

“Ёшлар дафтари” – ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси.

Нодавлат касб-ҳунарга ўқитиш марказлари – ёшларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ваколатига эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва нодавлат таълим муассасалари.

“Ёшлар дафтари” жамғармаси – “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида, шунингдек, ёшларнинг беш ташаббус доирасидаги тадбирларини молиялаштириш учун белгиланган тартибда ташкил этиладиган жамғарма.

ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ИСЛОҲОТЛАРИ

Нурбек Юлдашев *– Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Камбағалликни қисқартириш стратегия ва дастурлари бошқарма бошлиғи ўринбосари*

ТАҚДИМОТ РЕЖАСИ:

- Камбағалликни қисқартиришнинг **институционал асослари**
- **Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қийматини** амалиётга жорий этиш
- **“Маҳаллабай”** ишлаш тизими
- **“Темир дафтар” тизимининг** ташкил этилиши
- **“2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш стратегияси”**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIY TARAQQIYOT VA KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VAZIRLIGI

O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi

YOSHLAR YUQORI MARRALAR

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎНАЛИШИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

Камбағаллик - инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқларнинг мавжудлиги, бундан ташқари, оиласини боқиши ва кийинтириши, таълим олиши ёки касалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишига имкон берадиган меҳнат билан таъминлаш имкониятлари етишмаслиги каби чекловларда намоён бўлади.

Камбағаллик – бу инсонлар, уй хўжаликлари ва жамоаларнинг ижтимоий жиҳатдан чегараланганлиги, хавф-хатарлар олдида чорасизлиги ҳамда ночорлиги саналади (**БМТ Европа Иқтисодий комиссиясининг "Камбағалликни ўлчаш бўйича қўлланма"сидан, 2017 йил Нью-Йорк, Женева).**

THE WORLD BANK IBRD • IDA

Жаҳон банки томонидан барча мамлакатлар учун 2011 йилдаги нархларда **харид қобилияти паритети** бўйича камбағаллик чегараси мамлакатлар аҳолиси даромадларининг паст, ўрта ва юқори даражаларидан келиб чиқиб **1,9, 3,2, 5,5 ва 21,7 АҚШ доллари** этиб белгилаш тавсия этилган.

Камбағалликни қисқартириш борасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилган халқаро ташкилотлар

- БМТ Тараққиёт Дастури
- Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти
- ЮНИСЕФ
- Жаҳон банки
- Осиё тараққиёт банки
- Хитой камбағалликни қисқартириш халқаро Маркази

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIY TARAQQIYOT VA KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VAZIRLIGI

Камбағалликни қисқартиришнинг **институционал асослари** яратилиши

Институционал асослари яратилди


1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил этилди
2. Камбағалликни қисқартириш илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди
3. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими жорий этилди
4. Аҳолини тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўқитиш бўйича инфратузилма объектлари тизими ташкил этилди

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Камбағалликни қисқартириш йўналишида илғор хорижий тажрибани инобатга олувчи концептуал материалларни ишлаб чиқиш мақсадида қатор **халқаро ташкилотлардан** **14 нафар эксперт** жалб қилинди.

- **Аҳолининг минимал истеъмол харажатларини амалиётга жорий этиш**
- **2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш Стратегиясини қабул қилиш**
- **Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш**
- **БМТ Бош ассамблеясининг махсус резолюциясини ишлаб чиқиш**

Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қийматини амалиётга жорий этиш




Изох: Жорий йилнинг 31 май куни Ўзбекистонда минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегараси миқдори эълон қилинди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бир киши учун минимал истеъмол харажатлари **440 минг сўмни ташкил** этиши аниқланди. Ушбу қиймат ҳудудларда ҳоким ёрдамчилари томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламини камбағалликдан чиқариш чора-тадбирларида асосий мезон сифатида ҳам қўлланилади.


АҲОЛИНИНГ МИНИМАЛ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТЛАРИ ҚИЙМАТИНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИНИНГ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Минимал истеъмол харажатлари ҳисоб-китоби

(2019 йилда Давлат статистика қўмитаси томонидан ўтказилган 10 минг уй хўжалиги сўрови асосида)

Даромад гуруҳлари (харажат миқдоридан тақсимланган)	Ўртача ойлик харажатлари, сўм	шу жумладан, озиқ-овқат харажатлари, сўм	Кунлик истеъмол қилинадиган озиқ-овқат қуввати, ккал	1 ккал нархи, сўм	Кунлик 2100 ккал истеъмоли учун харажат, сўм	Озиқ-овқат маҳсулотларининг умумий харажатдаги улуши, фоиз	Минимал истеъмол харажатлари, сўм/ойига
	1	2	3	4=2/3/30 кун	5=4*2100 ккал	6=2/1*100%	7=5/6*30 кун
1	217 709	155 340	1 111	4,7	10 253	71%	431 107
2	323 881	218 719	1 603	4,5	10 006	68%	444 502
3	390 653	265 826	1 903	4,7	10 244	68%	451 623
Энг кам даромадга эга бўлган 30% уй хўжаликлари (ўртача)				**4,6**	**10 120**	**69%**	**440 000**
4	469 587	316 389	2 160	4,9	10 742	67%	478 283
5	549 563	360 156	2 409	5,0	10 964	66%	501 884
6	605 343	389 175	2 567	5,1	11 118	64%	518 798
7	699 657	434 142	2 697	5,4	11 805	62%	570 725
8	808 601	489 160	3 068	5,3	11 692	60%	579 831
9	1 031 492	580 237	3 410	5,7	12 478	56%	665 479
10	1 707 334	766 699	4 243	6,0	13 251	45%	885 254





“Маҳаллабай” ишлаш тизими

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
Moliya vazirligi
YOSHLAR YUQORI MARRALAR

“МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ ТИЗИМИ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

Меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2021 йил 19 мартдаги 152-сон** қарори асосида ҳудудларда “маҳаллабай” ишлаш тизимини ташкил этиш бўйича республика комиссияси ҳамда “Маҳаллабай” ишлаш тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш тўғрисидаги вақтинчалик низом тасдиқланди.

“Маҳаллабай” тизимини самарали ташкил этишни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманида эксперимент тариқасида **“Маҳаллабай ишлаш маркази”** ташкил этилди.

“Маҳаллабай” тизими асосида ҳар бир маҳаллани комплекс ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Республиканинг шаҳар ва туманларида “қизил” тоифадаги **858 та** маҳалланинг **“ўсиш нуқталари”**дан келиб чиқиб, 2021–2022 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар,
“Йўл харита”лари ишлаб чиқилиб, тегишли тартибда тасдиқланди.

АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

Сўровномалар асосида **1,57 млн. нафар** меҳнатга лаёқатли ишсиз аҳолидан **825,9 минг нафарини** ишлаш истаги борлиги аниқланди ва **670,6 минг нафарини** бандлиги таъминланди.

Касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқиш истагини билдирган **176,4 минг нафар** аҳолидан **92 минг нафар**и турли хил касб-ҳунарга ўқитилди.

Тадбиркорлик субъектларининг **60 минг**га яқин муаммолари аниқланиб, **29,8 минг**таси ҳал этилди.

148,8 минг тадбиркорлик субъектларига **3,6 трлн. сўм** кредит маблағлари ажратиш орқали **162,6 минг** янги иш ўринлари яратилди.

Фойдаланилмай келинаётган **4,8 минг гектар** томорқа ерлардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди

Ҳудудларда коммунал таъминот ва кўп қаватли уйлардаги **66,5 минг**та муаммолар бартараф этилди.

1 045 та ижтимоий муассасаларда таъмирлаш ишлари олиб борилди ва **899,1 млрд. сўм** маблағ сарфланди.

ПАСТДАРҒОМ ТУМАНИДА МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ

Мебель ишлаб чиқариш

“Қорағуппа” МФЙ

Аҳоли сони	3 939 та
Хонадон сони	695 та
Мебель ишлаб чиқарувчи хонадонлар	71 та
Қўшимча қамров	36 та
Иш ўрни: - мавжуд - яратилади	1 086 нафар 721 нафар 365 нафар
Қамров даражаси	10 % ↗ 15 %

Ихтисослашадиган маҳаллалар

1. “Қўқони” МФЙ 3 ↗ 11
2. “Бешбола” МФЙ 1 ↗ 17
3. “Шомбулоқ” МФЙ 0 ↗ 21
4. “Синчи” МФЙ 0 ↗ 18
5. “Жағалбойли” МФЙ 0 ↗ 15

78 та хонадонга оилавий тадбиркорлик дастуридан **3,4 млрд.сўм** кредит ажратиш.
Кредит ҳисобига:
- Ускуна сотиб олиш (2,1 млрд. сўм);
- Хом-ашё сотиб олиш (1,3 млрд. сўм).

Анор етиштириш

“Чимбой” МФЙ

Аҳоли сони	4 081 та
Хонадон сони	632 та
Аноричилик билан шуғулланувчи хонадонлар	43 та
Қўшимча қамров	110 та
Иш ўрни: - мавжуд - яратилади	153 нафар 43 нафар 110 нафар
Қамров даражаси	6 % ↗ 24%

Ихтисослашадиган маҳаллалар

1. “Гулистон” МФЙ 0 ↗ 168
2. “Учтепа” МФЙ 0 ↗ 61
3. “Боғишамол” МФЙ 0 ↗ 59
4. “Машъал” МФЙ 0 ↗ 49
5. “Янгиравот” МФЙ 0 ↗ 43

Бугунги кунда Гулистон МФЙ ҳудудида **380 гектар** майдонда интенсив анорзор ташкил этилмоқда. Юқоридаги маҳаллаларнинг **380 нафар** фуқаросига оилавий тадбиркорлик дастуридан **20,5 млрд. сўм** кредит ажратилади ва тадбиркорликка жалб этилади.

Қулупнай етиштириш

“Чортут” МФЙ

Аҳоли сони	5 625 та
Хонадон сони	1 018 та
Қулупнай етиштирувчи хонадонлар	105 та
Қўшимча қамров	57 та
Иш ўрни: - мавжуд - яратилади	162 нафар 105 нафар 57 нафар
Қамров даражаси	10 % ↗ 16 %

Ихтисослашадиган маҳаллалар

1. “Ўртачархин” МФЙ 8 ↗ 37
2. “Янги саноат” МФЙ 11 ↗ 46
3. “Қўшчинор” МФЙ 9 ↗ 48
4. “Камолот” МФЙ 16 ↗ 63
5. “М. Улуғбек” МФЙ 13 ↗ 41

178 та хонадонга оилавий тадбиркорлик дастуридан **1,6 млрд.сўм** кредит ажратиш.
Кредит ҳисобига:
- Кўчат сотиб олиш (1,4 млрд. сўм);
- Сув насос ўрнатиш (**68 та** 0,2 млрд. сўм).

Иссиқхона

“Балхиён” МФЙ

Аҳоли сони	3 797 та
Хонадон сони	920 та
Мавжуд иссиқхоналар	154 та
Қўшимча қамров	78 та
Иш ўрни: - мавжуд - яратилади	313 нафар 208 нафар 105 нафар
Қамров даражаси	17 % ↗ 25 %

Ихтисослашадиган маҳаллалар

1. “Қозоқ найман” МФЙ 18 ↗ 42
2. “Камолот” МФЙ 42 ↗ 98
3. “Чортут” МФЙ 208 ↗ 245
4. “Янгиқишлоқ” МФЙ 31 ↗ 69
5. “Мирзатуп” МФЙ 19 ↗ 45

181 та хонадонга оилавий тадбиркорлик дастуридан **2,4 млрд.сўм** кредит ажратиш.
Кредит ҳисобига:
- 1-2 сотихли иссиқхона қуриш (1,9 млрд. сўм);
- Кўчат сотиб олиш (0,3 млрд. сўм);
- Сув насос ўрнатиш (63 та 0,2 млрд. сўм).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIY TARAQQIYOT VA KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VAZIRLIGI

O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi

YOSHLAR YUQORI MARRALAR

"МАҲАЛЛАБАЙ" ИШЛАШ ТИЗИМИ ПАСТДАРҒОМ ТУМАН "ҚОРАҒУППА" МАҲАЛЛАСИ МИСОЛИДА

Хонадонлар сони	Аҳоли сони	Оилалар сони	Мебель и/ч оилалар
695 та	3 939 нафар	896 та	71 та

Темир дафтари	Аёллар дафтари	Ёшлар дафтари	Жами ишсизлар	Мактаб битирувчилари (2021 йилда)
26 та оила Ишсизлар 17 нафар	667 нафар Ишсизлар 20 нафар	567 нафар Ишсизлар 25 нафар	54 нафар	54 нафар

Маҳаллани ривожлантириш драйверлари

I. Мебель ишлаб чиқариш *(71 та хонадонларда юмшоқ ва қаттиқ мебель ишлаб чиқариш билан шуғулланади)*

II. Томорқа хўжалиги билан шуғулланувчилар *(480 та хонадон)*






Мебелчиликни янада ривожлантириш

- **Аукцион** орқали сотилади
- **10-20 сотих**ли лотларга бўлинади
- Мебель ишлаб чиқариш лойиҳалари жойлаштирилади
- **1,2 млрд. сўм**лик инфратузилма тармоқлари қурилади


КУТИЛАЁТГАН НАТИЖА	
Лойиҳалар сони	17 та
Лойиҳа қиймати	23,4 млрд. сўм
Ишлаб чиқариш қуввати	36,3 млрд. сўм
Доимий иш ўрни	405 нафар
Бюджетга солиқ тушуми	1,4 млрд.сўм *(2020 йилда 2,5 га ердан қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштиришдан 34,6 млн.сўм бўлган)*

Кичик саноат зонаси ташкил этиш учун ажратилиши таклиф этилаётган ер майдонлари



Ер майдони – 2,5 га

Контур рақами – 545



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIY TARAQQIYOT VA KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VAZIRLIGI

"Темир дафтар" тизимининг жорий этилиши

“ТЕМИР ДАФТАР”

“ТЕМИР ДАФТАР” — ижтимоий аҳволи ҳамда турмуш шароити оғир ҳамда сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратга олинган оилаларни қайд этиш, муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси (**“SAXOVAT.ARGOS.UZ”**)


“Темир дафтар”га киритиш

Секторлар томонидан **бошқарув офиси, маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари, доимий вакиллар ва маҳалла фаоллари** билан биргаликда уйма-уй юриб оилаларнинг моддий ва турмуш шароитини ҳар томонлама ўрганган ҳолда **сектор котиби** томонидан **“SAXOVAT.ARGOS.UZ”** электрон базасига киритилади

“Темир дафтар”дан чиқариш

Бандлиги таъминланган, даромад манбаи яратилган, муаммолари ҳал этилган оилалар **секторлар раҳбарлари**нинг тавсияси ҳамда **оила бошлиғининг бу тўғрисидаги ёзма розилиги** асосида туман (шаҳар) **Халқ депутатлари кенгаши** қарори асосида чиқарилади

“ТЕМИР ДАФТАР”НИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ



Манба: ВМҚ-250-сон, 28.04.2021 й. @huquqiyaxborot

Уйма-уй юришни ташкил қилиш бўйича эҳтиёжманд оилаларни ўрганиш сўровномаси вилоят ҳокимликлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимликларига етказилади.

Бошқарув офиси ҳар ойда оилаларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари уйма-уй юриб ўрганади, мурожаатларини кўриб чиқади ва оилаларнинг муаммоларини сўровнома орқали аниқлайди.

3 кун

Аниқланган муаммолар 3 кунда оилаларнинг жамланма рўйхатига киритилади.

Анкета маълумотлари идора ва ташкилотларнинг маълумотлари билан солиштирилади ҳамда оилаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланади.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида тасдиқланган рўйхатлар “saxovat.argos.uz” ахборот тизимига киритилади.

Бошқарув офиси томонидан вақтинчалик тартибда белгиланган хизматлар кўрсатилади.

СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ ТОМОНИДАН:

“Темир дафтар”дан чиқариш юзасидан таклифлар халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари муҳокамасига киритилади;

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида “Темир дафтар”дан чиқарилган оилалар тўғрисидаги маълумотлар “saxovat.argos.uz” ахборот тизимига киритилади;

“Темир дафтар”дан чиқарилган оилалар бу ҳақида хабардор қилинади.

“ТЕМИР ДАФТАР” рўйхатига киритиш ва чиқариш мезонлари

Дафтарга эҳтиёжманд оилаларнинг қуйидаги тоифалари киритилади:

- ВМнинг 2021 йил 5 мартдаги 122-сонли қарори асосида кам таъминланган деб топилган оилалар
- Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган аъзолари мавжуд оилалар
- Кам таъминланган якка-ёлғизлар ва кексалар
- Боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд оилалар
- Кўп (4 ва ундан ортиқ) фарзандли моддий кўмакка муҳтож оилалар
- Меҳнатга лаёқатли ишсиз аъзолари мавжуд эҳтиёжманд оилалар
- Тиббий ёрдамга муҳтож эҳтиёжманд оилалар (сурункали ёки оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган ва ногиронлик гуруҳи белгиланмаган аъзолари мавжуд етарли даромад манбаига эга бўлмаган оилалар)
- Нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзи ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой бўлмаган эҳтиёжманд оилалар

Дафтардан оилалар қуйидаги ҳолларда чиқарилади:

- Бандлиги таъминланган ёки даромад манбаига эга бўлганда
- Бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш орқали муаммоси ҳал этилганда оила аъзосининг розилиги билан
- Малакали тиббий хизмат кўрсатилганда
- Тўлиқ давлат таъминотига олинганда (“Меҳрибонлик”, “Саховат” ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларга ўтказилганда)
- Аниқланган бошқа муаммолари қонуний ҳал этилганда
- Ёлғиз яшайдиган эҳтиёжманд фуқаро озодликдан маҳрум этилганда ёки вафот этганда
- Оила аъзосининг мурожаатига асосан
- “Темир дафтар”га ноқонуний киритиш ҳолати аниқланганда
- Бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда

“ТЕМИР ДАФТАР”ГА КИРИТИЛГАНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Манба: ВМҚ-250-сон, 28.04.2021 й. @huquqiyaxborot



Оилаларда томорқадан фойдаланишни ташкил этиш орқали бандликни таъминлашда қуйидаги йўналишларда кўмаклашади:

- енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш;
- паррранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйиш;
- “Томорқа хизмати” ташкилотлари ва “Дала дўконлари”ни ташкил этиш.



Оилаларга ҳокимликлар томонидан деҳқончилик учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ерда 0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратилади, ерни суғориш ва электр билан таъминлаш, ерларни ўзлаштириш учун субсидия ажратилади.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК УЧУН КРЕДИТ



Оилавий тадбиркорлик учун кредит оладиганларга банкларга ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

- Оилавий тадбиркорлик учун кредит оладиганларга банкларга ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қуйидаги хизматлар кўрсатилади:
- бизнес лойиҳаларни тузишни ўргатиш;
- кредит олишга кўмаклашиш;
- кредит ажратилгандан сўнг уларни доимий қўллаб-қувватлаш.

Оилаларга “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам берилиши мумкин.



Ушбу бир марталик моддий ёрдамни тўлаш учун:

- фуқаролар йиғинлари томонидан моддий ёрдам бериш миқдорлари кўрсатилган рўйхат туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этилади;
- ҳокимликлар моддий ёрдамни ойма-ой тўлаш графигини шакллантиради;
- графикка асосан ҳар ойнинг 5-кунигача фуқаролар йиғинлари, тўлов ведомостларини шакллантириб, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига тақдим этади;
- маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари тўлов ведомостлари асосида моддий ёрдам тўловларини ҳар ойнинг 5 – 27-кунларида амалга оширади.

ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ



Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш:

- тиббий ёрдамга муҳтож оилалар тиббиёт ходимини жалб қилинган ҳолда ўрганилади;
- касаллиги аниқланган ва тиббий ёрдамга муҳтожлар туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасига юборилади;
- улар кўрсатма бўйича стационар ёки амбулатория шароитда даволанади;
- ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлганлар Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларига юборилади.

"Темир дафтар"га киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш

"Темир дафтар" рўйхатига киритилган

- Оила сони: 594,9 мингта
- Оила аъзолари сони: 2 500,3 минг нафар
- Меҳнатга лаёқатли ишсизлар сони: 659,1 минг нафар
- шундан, бандлиги таъминланган: 654,6 минг нафар — 99%

"Темир дафтар" рўйхатидан чиқарилган

- Оила сони: 543,3 мингта — 91%
- Оила аъзолари сони: 2 316,1 минг нафар
- Бандлиги таъминланган аъзолар сони: 638,2 минг нафар

Оилаларга ажратилган моддий ёрдам

"Қурбон Ҳайити" арафасида	Жон бошига 220 минг сўмдан	16 ёшга тўлмаган болаларга	"Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида
182 минг оила	*280 минг оила*	*845 минг болага*	*502 минг оила*
154 млрд.сўм	**260 млрд.сўм**	**422 млрд.сўм**	**204 млрд.сўм**

"Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари" жамғармаларига шакллантирилган маблағлар ва уларнинг сарфланиши



"Саховат ва кўмак" жамғармаси ҳисобидан 2021 йил январь-май ойларида сарфланган маблағлар



Озиқ – овқат маҳсулотлари учун	Нақд ёки пластик карточкада ажратилган маблағлар	Коммунал тўловлар қарзи учун	Дори-дармон етказиб бериш учун	Чорва етказиб бериш учун	Парранда етказиб бериш учун	Асбоб-ускуналар учун
19,2 млрд. сўм	30,4 млрд. сўм	0,3 млрд. сўм	6,5 млрд. сўм	3,4 млрд. сўм	12,7 млрд. сўм	27,6 млрд. сўм

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш стратегияси

2030 ЙИЛГАЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Стратегиянинг мақсади – 2030 йилгача камбағаллик даражасини икки баробарга қисқартириш

Узоқ муддатларда бажариладиган ишлар (2026–2030 йй.)

Қисқа ва ўрта муддатларда белгиланган вазифалар ижроси **давом эттирилади**

Ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш орқали эҳтиёжманд аҳолига кўрсатиладиган ёрдам ва **хизматлар турлари кўпайтирилади** ҳамда **сифати яхшиланади**

Давлат ва нодавлат ташкилотларнинг бевосита камбағалликни қисқартириш борасидаги **фаолияти самарадорлиги ошириб борилади**

Ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларида фойдаланилмаётган янги ресурсларни ишга тушириш орқали аҳоли **бандлигини оширишнинг замонавий механизмлари жорий этилади**

Аҳоли эҳтиёжманд қатламини **ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги усул** ва **механизмлари** доимий такомиллаштириб борилади

Аҳоли эҳтиёжманд қатламининг **сифатли** ва **узлуксиз таълим олиш** имкониятларини ошириш орқали **инсон капитали ривожлантирилади**

Соғлиқни сақлаш хизматларидан тўлиқ фойдаланишга эришилади

Стратегияда қуйидаги мақсадли индикаторларга эришиш белгиланган

“ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЯГОНА РЕЕСТРИ” ахборот тизими орқали камбағал аҳолини ижтимоий ёрдам ва хизматлар билан
2025 йилгача – 85 %гачақамраб
2030 йилгача – 100 %га олиш

ЙИЛИГА 100 МИНГДАН ортиқ эҳтиёжманд ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган фуқаролар учун босқичма-босқич **иш ўринларини квоталаш**

50 МИНГ НАФАР ўзини ўзи банд қилиш истагида бўлган камбағал аҳоли қатламларини рўйхатга олиш, фаолиятини бошлаш, меҳнат қуроллари сотиб олиши ва бошқа мақсадлар учун **субсидиялар ажратиш**

50 МИНГ НАФАР **камбағал аҳоли қатламлари бандлигини** касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда йўналиши бўйича микрокредитлар ажратиш орқали **таъминлаш**

2025 йилгача – 600 минг
2030 йилгача – 800 минг нафар эҳтиёжманд ва кам даромадли оилалар фарзандларига ўқув йили бошида бир марталик ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар сотиб олиши учун **ёрдам пулларини ажратиш**


СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХИЗМАТЛАРИДАН 5 000 нафар камбағал аҳоли қатламларини бепул фойдаланишига имконият яратиш, шу билан бирга ҳар йили ордер ва йўлланмалар ажратиш

Камбағал аҳоли қатламларининг йилига 1 500 нафарига – уй-жой;
10 минг нафарига – ижара тўловлари;
20 минг нафарига – бошлангич бадал; тўлаб бериш ва тақдим этиш

Барча чора тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш орқали 2030 йилга бориб камбағаллик даражасини **икки баробарга қисқартириш**

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ажратиладиган нафақалар ва моддий ёрдам миқдорини босқичма-босқич **камбағаллик даражаси мезонидан ошириш**





"Ўзбекистон Республикасида Солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари" мавзуси бўйича тушунчалар изоҳи

Дивиденд – юридик шахснинг фойдасини (шу жумладан, имтиёзли акциялар бўйича фоизлар тарзидаги фойдасини) ушбу юридик шахснинг акциядорига (иштирокчисига) тегишли акциялар (улушлар) бўйича тақсимлаш чоғида акциядор (иштирокчи) томонидан олинган ҳар қандай даромад, пул ёки натура шаклидаги тўловлар.

Даромад – нафни баҳолаш имконияти мавжуд бўлган тақдирда ва бундай нафни баҳолаш мумкин бўлган даражада ҳисобга олинадиган пул ёки натура шаклидаги иқтисодий наф.

Давлат божи – юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун ундириладиган мажбурий тўлов.

Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет давлатларнинг фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Йиғим – Солиқ Кодексида ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мажбурий тўловдир.

Назорат-касса техникаси – фискал хотира билан жиҳозланган назорат-касса машиналари, фискал тўплагичлардаги фискал маълумотлар ёзиб олиниши ва сақланишини таъминловчи, фискал ҳужжатларни шакллантирувчи ҳамда уларнинг солиқ органларига фискал маълумотлар оператори орқали топширилишини, шунингдек, фискал ҳужжатлар назорат-касса техникасини қўллаш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ қоғозда чоп этилишини таъминловчи бошқа қурилмалар ҳамда дастурий-техник мажмуалар.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси (пеня, жарима) – солиқнинг (пенянинг, жариманинг) тўланган суммаси билан ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган суммаси ўртасидаги ижобий фарқ.

Солиқ – Солиқ Кодексида белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига тўланадиган мажбурий беғараз тўлов.

Солиқ солиш объекти – миқдорий ёки физик хусусиятга эга мол-мулк, ҳаракат, ҳаракат натижаси.

Солиқ базаси – солиқ солиш объектининг қиймати.

Солиқ ставкаси – солиқ базасининг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган солиқнинг фоизлардаги ёки мутлақ суммадаги миқдори.

Солиқ тўловчилар – Солиқ Кодексига мувофиқ зиммасига белгиланган солиқлар ҳамда йиғимларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахслар.

Солиқ агентлари – Солиқ Кодексига мувофиқ зиммасига солиқларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ва бюджет тизимига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслар.

Солиқ тўловчининг шахсий кабинети – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилган ахборот ресурси.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи – солиқ тўловчиларнинг хўжалик фаолияти бўйича жами молиявий натижасини ҳисобга олган ҳолда фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш мақсадида, Солиқ Кодексида назарда тутилган тартиб ҳамда шартларда тегишли шартнома асосидаги ихтиёрий бирлашмаси.

Солиқ даври – тугагандан кейин солиқ базаси аниқланадиган ҳамда тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси ҳисоблаб чиқариладиган календарь йил ёки бошқа давр.

Солиқ имтиёзлари – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган афзалликлар, шу жумладан, солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти.

Солиқ мажбурияти – Солиқ тўғрисидаги қонунчилик билан солиқ тўловчилар зиммасига юклатилган солиқларни ва йиғимларни тўғри ҳисоблаб чиқариш ҳамда ўз вақтида тўлаш мажбурияти.

Ҳисобварақ-фактура – товарларни (хизматларни) реализация қилишда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ушбу товарларни (хизматларни) сотиб олувчиларга тақдим этиладиган ҳужжат.

Юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган юридик шахслар, чет давлатларнинг қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган, фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига эга бўлган чет эл юридик шахслари (шу жумладан, компаниялар ва бошқа корпоратив тузилмалар), халқаро ташкилотлар.

Якка тартибдаги тадбиркор – белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахс.

Яширин иқтисодиёт, хуфия иқтисодиёт – иштирокчилар томонидан ошкора олиб борилмайдиган, давлат ва жамият томонидан назорат қилинмайдиган, солиқлар тўланмайдиган, расмий давлат статистикасида қайд этилмайдиган иқтисодий жараёнлар ҳамда иқтисодий фаолият турлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚ СИЁСАТИ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Умид Ҳамроев *– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Солиқ-божхона сиёсати ва даромадларни прогнозлаштириш департаменти директорининг биринчи ўринбосари*

Тақдимот таркиби:



I Солиқ тизимидаги ислоҳотлар

II Соҳада мавжуд камчилик (хатар) ва муаммолар

III Кейинги 5 йилликда амалга ошириладиган устувор ислоҳотлар

I

Солиқ тизимидаги ислоҳотлар

Солиқ сиёсатини амалга ошириш борасида қабул қилинган асосий қонун ҳужжатлари

2017 ЎзР Президентининг “Республика солиқ тизимини янада такомиллаштириш бўйича Эксперт комиссиясини тузиш тўғрисида”ги фармойиши, Ф-4999, 20.07.2017 й.

2018 ЎзР Президентининг “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши, Ф-5214, 13.02.2018 й.

2018 ЎзР Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони, ПФ-5468, 29.06.2018 й.

2019 ЎзР Президентининг “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, ПФ-5755, 27.06.2019 й.

2019 ЎзР Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, ПФ-5837, 26.09.2019 й.

2020 “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ–589-сон Қонун, 09.12.2019 й. (+ЎРҚ-657, 25.12.2020 й.)

2020 “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–599-сон Қонун, 30.12.2019 й. (янги СК)

2020 ЎзР Президентининг “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, ПФ-6121, 03.12.2020 й.

2021 “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ–659-сон Қонун, 30.12.2020 й. (СК ўзг.)

Солиқ сиёсатини ислоҳ қилишнинг босқичлари

Биринчи босқичда. Жами солиқ ва мажбурий тўловлар сони **13** тадан **9** тагача камайди ва солиқ ставкалари унификция қилинди.

Иккинчи босқичда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, индивидуал имтиёзлар бериш амалиётидан воз кечилди, ҚҚС ставкаси **20** фоиздан **15** фоизгача пасайтирилди. Трансмиллий компаниялардан Google, Apple, Samsung, Huawei, Facebook, Яндекс каби **26** тадан ортиқ Интернет-компаниялари Ўзбекистондаги фаолиятлари бўйича солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтди.

Учинчи босқичда. **2020** йил **1** январдан бошлаб янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси амалга киритилди.

“Яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш борасида

Замонавий солиқ маъмурчилигининг янги инструментлари жорий этилди. Булар:

Электрон ҳисобварақ-фактура

онлайн назорат касса машиналари

товарларни маркировкалаш

электрон шартнома тизими

*Натижада, солиқларни ихтиёрий тўлаш даражаси **83** фоиздан **95** фоизга оширилди.*

2017–2021 йилларда солиқлар таркибининг ўзгариши

2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
ҚҚС (20%)	ҚҚС (20%)	ҚҚС (20/15%)	ҚҚС (15%)	ҚҚС (15%)
ЮШФС (7.5%)	ЮШФС (14%)	Фойда солиғи (12%)	Фойда солиғи (15%)	Фойда солиғи (15%)
ОИРС (8%)				
ПЖА (1.6%)	МЖА (3.2%)	-		
РЙЖА (1.4%)				
ТТЖА (0.5%)				
Норезидентлар соф фойда с.	-			
ЯИТ (25%)	ЯИТ (25%)	ЯИТ (12% ва 25%)	Ижтимоий с. (12% ва 25%)	Ижтимоий с. (12% ва 25%)
ЖШДС (0, 7.5, 17, 23%)	ЖШДС (0, 7.5, 16.5, 22.5%)	ЖШДС (12%)	ЖШДС (12%)	ЖШДС (12%)
Иш ҳақидан ПЖСБ (8%)	Иш ҳақидан ПЖСБ (8%)	-		
Дивиденд солиғи (10%)	Дивиденд солиғи (10%)	Дивиденд солиғи (5%)	Дивиденд солиғи (5%)	Дивиденд солиғи (5%)
Юридик шахслар МС^{АВ} (5%)	ЮШМС^{КМ} (5%)	ЮШМС (2%)	ЮШМС (2%)	ЮШМС (2%)
ЭАУФТ (0.25%)	ЭАУФТ (0.25%)	-		
Юридик шахслар ер солиғи	ЮШЕС	ЮШЕС	ЮШЕС	ЮШЕС
ЖШМС^{инв} (1.7, 2.1, 2.9%)	ЖШМС^{кад} (0.2, 0.25, 0.35%)	ЖШМС (0.2, 0.25, 0.35%)	ЖШМС (0.2, 0.25, 0.35%)	ЖШМС (0.23, 0.3, 0.4%)
Жисмоний шахслар ЕС	ЖШЕС	ЖШЕС	ЖШЕС	ЖШЕС
Акцизлар	Акцизлар	Акцизлар	Акцизлар	Акцизлар
УАКАТ (4000 сўм)	УАКАТ (2750 сўм)	УАКАТ (2000 сўм)	-	
ЕҚФС	ЕҚФС	ЕҚФС	ЕҚФС	ЕҚФС
ҚФС (5 тур)	ҚФС (5 тур)	ҚФС (3 тур)	-	
Ягона солиқ тўлови	Ягона солиқ тўлови	Ягона солиқ тўлови	Айланмадан солиқ	Айланмадан солиқ
Ягона ер солиғи	Ягона ер солиғи	Ягона ер солиғи	-	-
ЯТТ ҚБС	ЯТТ ҚБС	ЯТТ ҚБС	ЯТТ ҚБДС	ЯТТ ҚБДС
Йиғимлар	Йиғимлар	Йиғимлар	Йиғимлар	Йиғимлар

Ўзбекистонда амалдаги солиқлар:

1) қўшилган қиймат солиғи;
2) акциз солиғи;
3) фойда солиғи;
4) жисмоний шахслар даромад солиғи.
4. 1) ЯТТлар учун қатъий белгиланган даромад солиғи;
5) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
7) мол-мулк солиғи;
8) ер солиғи;
9) ижтимоий солиқ;
10) айланмадан солиқ (махсус солиқ режимида).



Ўзбекистонда амалдаги йиғимлар:

1) автотранспорт йиғими;

2) давлат божи (“Давлат божи тўғрисида”ги Қонун);

3) божхона божи (Божхона кодекси);

4) герб йиғими *(ВМҚ-119, “Гербли гувоҳномалар шаклларини ва уларни берганлик учун герб йиғими миқдорини тасдиқлаш тўғрисида”, 2012 йил 25 апрель);*

5) имзоли бонус *(“Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонун);*

6) тижоратбоп топилма бонуси *(“Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонун);*

7) транспорт воситалари учун утилизация йиғими *(ВМҚ-327, “Ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини жорий этиш тўғрисида” 2020 йил 2 июнь).*

❖ **Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошқа йиғимлар ҳам ўрнатилиши мумкин!**

ҚҚС бўйича киритилган асосий ўзгартиришлар

01 ҚҚСга ихтиёрий ўтган солиқ тўловчилар, солиқ даври якунлари бўйича тушуми 1 млрд. сўмдан кам бўлса ҳам оборот солиғига камида 12 ойдан кейин қайта ўтишга ҳақли.

02 Солиқ даври давомида жами даромади 1 млрд. сўмдан ошган солиқ тўловчилар, шу жумладан, янги ташкил этилган ЮШ ва ЯТТлар кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

03 Асосий воситаларни сотиб олишда ҚҚСни бир йўла ҳисобга олиш тартиби киритилди.

04 Ҳар қандай ҚҚС тўловчига ҚҚС бўйича манфий қолдиқни қайтариш ҳуқуқи берилди.

05 ДМ билан боғлиқ бўлмаган норезидентлар томонидан электрон хизматларни кўрсатишда уларни ҚҚСга тортиш жорий этилди.

06 Давлат мулкларини ижарага бериш хизматларига ҚҚС жорий этилди.

07 Арзон ёки текин беришда таннархга боғланган ҚҚС бўйича солиқ солинадиган базани аниқлашнинг эскирган усули бекор қилиниб, унинг ўрнига товар (хизмат)нинг бозор қиймати бўйича солиқ солиш тартиби киритилди.

08 Ҳисоб-китобларни тақдим этиш ҳамда тўлаш муддатлари қайта кўриб чиқилди.

Фойда солиғи бўйича асосий ўзгаришлар:

Ҳисобот ва тўлов муддатлари ўзгартирилди

Жорий (аванс) тўловларни ҳисоблаш тартиби ўзгарди

Зарарларни тақсимлаб кўчириш муддати 5 йилдан 10 йилга, зарарларни тақсимлаб кўчиришнинг чегаравий миқдори солиқ солинадиган база 50 фоиздан 60 фоизгача оширилди

Амортизация харажати сифатида қаралувчи бир марталик инвестициявий чегирмалар жорий этилди

ЯТТларга тушумдан 25 фоиз миқдорида солиқ базасини аниқлашнинг соддалаштирилган тартибини танлаш ҳуқуқи берилди

Тўлов манбаи эмас, балки уларнинг олувчиларидан фоизларни солиққа тортиш тартиби жорий этилди

Четда тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш механизми орқали дивидендларни каскад усулида солиққа тортиш тартиби бекор қилинди

Солиқ резидентлари учун фойда солиғи ставкалари

Т/р	Тўловчилар	Солиқ ставкалари, %
1.	Базавий ставка	15
2.	Тижорат банклари	20
3.	Бозорлар ва савдо комплексларида хизмат кўрсатишдан олинган фойда	20
4.	Уяли алоқа компаниялари	20
5.	Цемент (клинкер) ва полиэтилен гранулалар ишлаб чиқарувчилар	20
6.	Электрон тижорат субъектлари Миллий реестрига қўшилганлар (> 90%)	7,5
7.	Дивиденд тарзидаги даромадлар	5
8.	Қ/х товар ишлаб чиқарувчилар, балиқчилик хўжаликлари (> 90%)	0
9.	Ижтимоий соҳада фаолият юритувчи солиқ тўловчилар (> 90%)	0
10.	Қўшимча манбалардан даромад олувчи бюджет ташкилотлари (2023 йилгача)	0
11.	Товар (хизмат)ларни экспорт қилишдан олинган фойда (> 15%)	0
12.	Ягона иштирокчилари ногиронлар жамоат бирлашмалари бўлган ва умумий ходимлар сонида ногиронлар камида 50 фоизни ташкил этадиган ва ногиронларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш МҲТ умумий фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган солиқ тўловчилар	0
13.	Халқ банкининг ЖБПҲР маблағларидан оладиган фойдаси	0

Қатъий белгиланган миқдорларда даромад солиғи тўловчилар



II

Соҳада мавжуд камчилик (хатар) ва муаммолар

Соҳада мавжуд камчилик (хатар) ва муаммолар

- **Солиқ интизоми таъминланиши**
- **Солиқдан қочиш**
- **Корхоналарни бўлиш**
- **Онлайн НКМлар нақд пулсиз тўлов тизимлари (Uzcard ва Humo) билан тўлиқ уйғунлашмаган**
- **Сотиш баҳосини тўғри кўрсатмаслик**
- **Солиқ ва статистика органларига бир-бирига ўхшаш ҳисоботлар тақдим этиш**

III

Кейинги 5 йилликда амалга ошириладиган устувор ислоҳотлар

Кейинги 5 йилликда амалга ошириладиган устувор ислоҳотлар

- Солиқ ставкаларини ўзгаришсиз қолдириш
- Республика декларация марказини ташкил этиш
- Самарасиз солиқ ва божхона имтиёзларни бекор қилиш ишларини давом эттириш
- Ер қаъридан фойдаланувчиларни солиққа тортишнинг замонавий моделини жорий этиш
- Мол-мулк ва ер солиғи ўрнига кўчмас мулк солиғини жорий этиш
- Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, йиғувчанлик даражасини ошириш орқали солиқ юкини пасайтириш

"Давлат харидлари" мавзусидаги асосий тушунчалар

Бенефициар мулкдор – пировардида мулк ҳуқуқларига эгалик қиладиган ёки товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчини амалда назорат қиладиган жисмоний шахс.

Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион – давлат харидлари электрон тизимининг махсус платформасида давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули бўлиб, уни ташкил этиш чоғида нарх ғолибни аниқлашнинг ягона мезони бўлади.

Давлат буюртмачиси – давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахс.

Давлат харидлари – давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёни.

Давлат харидлари тўғрисидаги шартнома – давлат буюртмачиси ва давлат харидларининг ижрочиси ўртасидаги давлат харидлари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув.

Давлат харидларининг субъектлари – давлат буюртмачиси, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси, давлат харидларининг ижрочиси, харид комиссияси, давлат харидлари электрон тизимининг оператори, ихтисослашган ташкилот ва эксперт, эксперт ташкилоти.

Дастлабки малака танлови – харид қилиш ҳужжатларида белгиланган техник, иқтисодий, ташкилий ва бошқа ўзига хос хусусиятларга мувофиқ бўлган харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишга қўйиладиган малакали харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларини танлаб олишнинг харид комиссияси томонидан ўтказиладиган тартиб-таомили.

Захирадаги ғолиб – харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича харид комиссиясининг қарорига мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган деб топилган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси.

Тендер – давлат харидини амалга оширишнинг рақобатли тартиб-таомили воситасида давлат харидларининг ижрочисини аниқлаш тартиб-таомилини назарда тутувчи танлов бўлиб, унинг натижаларига кўра давлат харидлари тўғрисидаги шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф этган харид қилиш тартиб-таомилларининг иштирокчиси ғолиб деб топилади.

Харид қилиш тартиб-таомили – давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлар мажмуи.

Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг аффилланган шахси – қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва (ёки) харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан қарорлар қабул қилишга таъсир кўрсатадиган, шу жумладан, ёзма келишув асосида таъсир кўрсатадиган жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисига нисбатан шундай ҳуқуққа эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

Шартномаларнинг ягона реестри – давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган томонидан махсус ахборот порталида юритиладиган, давлат буюртмачилари томонидан тузилган давлат харидлари тўғрисидаги шартномаларнинг реестри.

Электрон давлат харидлари – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини амалга ошириш шакли.

Электрон дўкон – давлат харидларининг электрон тизимидаги махсус майдонда савдоларни электрон шаклда амалга оширишни назарда тутувчи, махсус талаблар қўйилмайдиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули.

Энг яхши таклифларни танлаш – харид қилиш тартиб-таомилларининг бир нечта иштирокчисидан олинган таклифларни таққослаш асосида давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули.

Эълон – давлат харидларини амалга ошириш усули, талаблари ва шартлари, таклифларни тақдим этиш муддатлари ҳамда тартиби кўрсатилган, махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига давлат буюртмачиси томонидан жойлаштириладиган бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги ахборот.

Ғолиб – харид қилиш тартиб-таомиллари якунларига кўра, таклифи энг мақбул деб топилган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси.

Аванс тўлови – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат буюртмачиси ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан киритиладиган, операторнинг воситачилик йиғимини ва томонларнинг закалатини ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси.

Ягона етказиб берувчи – табиий монополия субъекти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида фармон, қарор ва фармойишларида ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган субъектлар, шунингдек, давлат томонидан харид қилинаётган, бозорда муқобиллари мавжуд бўлмаган ноёб товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи.

Танлаш таклифи – танлаш ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ иштирокчининг танлов предметига нисбатан тақдим этиладиган таклифи.

Лот – турли белгилари бўйича гуруҳлаштирилган (фойдаланиш, техник ва функционал хусусиятларига кўра) бир хил турдаги товарларнинг жамланмаси сифатида буюртмачи томонидан белгиланган ва алоҳида шартнома бўйича харид предметининг миқдорий қисми.

Таклифни таъминлаш – буюртмачининг талабига биноан иштирокчи томонидан таклифлар ва мажбуриятларнинг гаров, кафолат, закалат тарзида ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши.

Шахсий кабинет – электрон давлат харидларида иштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган, буюртмачи ёки харид қилиш тартиб-таомили иштирокчисининг махсус ахборот порталидаги индивидуал саҳифаси.

Режа-жадвал – товарлар (ишлар, хизматлар) харидининг ҳажмлари ва жойлаштириш муддатларини назарда тутувчи ҳужжат.

Қадам ўлчови – нархни пасайтириш учун аукционнинг бошланғич нархини ёки олдинги иштирокчи нархининг фоиз билан белгиланадиган камайтириш пул миқдори.

Ҳисоб-китоб клиринг палатаси (ҲККП) – аванс тўловларини депонентлаш ва уларни ҳисобга олиш йўли билан шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган иштирокчиларни электрон харидларга киришини таъминловчи махсус ахборот порталининг таркибий бўлинмаси.

Ягона етказиб берувчилар реестри – ваколатли орган билан келишилган ҳолда махсус ахборот портали оператори томонидан юритиладиган ахборот ресурси.

Махсус ахборот портали – операторнинг давлат харидлари ўтказилишини, давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар, давлат харидлари якунлари, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифлари ҳақидаги ахборотнинг ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ахборотнинг электрон шаклда жойлаштирилишини ва кўрилишини, шунингдек, электрон давлат харидлари ўтказилишини таъминловчи веб-сайти ва махсус электрон платформаси.

Табиий монополия субъекти – табиий монополия шароитларида товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва/ёки реализация қилиш билан банд бўлган хўжалик юритувчи субъект (юридик шахс).

Тендер таклифи – тендер ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ тендер предметига нисбатан иштирокчининг таклифи.

Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Сарвар Назаров *– Давлат харидлари департаменти директори биринчи ўринбосари – Бошқарма бошлиғи*

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛИ ОРГАН



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ–5624-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат харидлари соҳасида ваколатли орган этиб белгиланди

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни (№ 684, 22.04.2021 й.).

2. “Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низом (№ 3013, 14.05.2018 й.).

3. “Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисида”ги Низом (№ 3015, 21.05.2018 й.).

4. “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (№ 3016, 26.05.2018 й.).

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (ПҚ–3953, 27.09.2018 й.)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (ПҚ–3550, 20.02.2018 й.)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори (ПҚ–4812, 21.08.2020 й.)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори (ПҚ–5171, 02.07.2021 й.)

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (833-сон, 30.09.2019 й.)

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (55-сон, 05.02.2021 й.)


Давлат харидлари?

Давлат буюртмачиларининг товарлар (ишлар, хизматлар)га бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёни.




ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ

- **Давлат буюртмачилари**
- **Харид комиссияси**
- **Ихтисослашган ташкилот**
- **Эксперт, эксперт ташкилоти**
- **Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси**
- **Давлат харидларининг ижрочиси**
- **Давлат харидлари электрон тизимининг оператори**



Давлат буюртмачилар томонидан амалга оширилган харидлар



2019 йил

2019 йил давомида жами **98,0** трлн. сўмлик савдолар амалга оширилган бўлиб, ЯИМга нисбатан **19%** ни ташкил этади.

2020 йил

2020 йил давомида жами **124,0** трлн. сўмлик савдолар амалга оширилган бўлиб, ЯИМга нисбатан **21%** ни ташкил этади.


2021 йил 9 ойи

2021 йилнинг 9 ойи давомида жами **99,5** трлн. сўмлик савдолар амалга оширилган бўлиб, ЯИМга нисбатан **19%** ни ташкил этади.

Давлат харидлари


Таҳлил, жамоатчиликка етказиб бориш ва жамоат назорати

- Амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисидаги маълумотлар мунтазам равишда вазирликнинг расмий веб-сайтида ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жойлаштириб борилмоқда
- Давлат харидлари жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида харидлар бўйича **кунлик таҳлилий маълумотлар** Молия вазирлигининг ижтимоий тармоқларида кенг ёритиб борилмоқда
- Вазирликнинг веб-сайтида давлат харидлари бўйича алоҳида саҳифа яратилди
- Оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда интервьюлар берилмоқда ва мақолалар чоп этилмоқда
- Тадбиркорлик субъектларини давлат харидларига жалб қилиш бўйича видеоролик ҳамда буклетлар тайёрланди
- Давлат харидлари ижрочиларининг таъсисчилари ва бенефициар мулкдорлари тўғрисидаги маълумотлар очиқланди
- Назоратни амалга оширувчи давлат органларига махсус ахборот порталида камерал назорат ўтказиш имконияти яратилди



Давлат харидлари

Давлат харидларининг амалга оширилиш жараёни (цикл)



ДМБАТ – Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими

Харид қилиш тартиб-таомил турлари ва мезонлари

Харид тури		Бюджет буюртмачилари учун	Корпоратив буюртмачилар учун	Муддати
Электрон дўкон	Товар	**0*-2500*** 0-675 000 000 сўм *бир молия йилида айни бир турдаги товар 10 минг бараваргача.	**0*-25000*** 0-6 750 000 000 сўм	**48 соат**
	Иш, хизмат	**0*-50*** 0-13 500 000 сўм *бир молия йилида айни бир турдаги иш, хизматлар 500* бараваргача.	**0*-100*** 0-27 000 000 сўм *бир молия йилида айни бир турдаги иш, хизматлар 1000* бараваргача.	
Аукцион	Товар	**0*-6000*** 0-1 620 000 000 сўм	**0*-25000*** 0-6 750 000 000 сўм	**5 иш куни**
	Иш, хизмат	**Кўзда тутилмаган**		
Энг яхши таклифларни танлаш	Товар	**0*-6000*** 0-1 620 000 000 сўм	**0*-25000*** 0-6 750 000 000 сўм	**5 иш куни** **(2 иш куни муҳокама)**
	Иш, хизмат	**0*-6000*** 0-1 620 000 000 сўм	**0*-25000*** 0-6 750 000 000 сўм	
Соддалаштирилган танлаш	Товар иш, хизмат	**0*-25*** 0-6 750 000 сўм	**0*-50*** 0-13 500 000 сўм	Бунда ғолиб очиқ ахборот манбаларидан олинган нархларни солиштириш йўли билан ёки потенциал етказиб берувчиларидан нархларни сўраш йўли билан аниқланади
	Бир молия йилида	**0*-500*** 135 000 000 сўм	**0*-1000*** 270 000 000 сўм	
Тендер	Товар, иш, хизмат	**6000* - <** 1 620 000 000 сўм - <	**25000* - <** 6 750 000 000 сўм - <	**12–30 иш куни**


*** Бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдори.**

2021 йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ–684-сон **“Давлат харидлари тўғрисида”**ги Қонунда назарда тутилган муҳим янгиликлар

- **Давлат буюртмачиларига харид қилиш тартиб-таомиллари турларини танлаш имконияти яратилди**
- **Йирик давлат корхоналари Қонун билан қамраб олинди**
- **Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш муддатлари қисқартирилди**
- **Барча харид турларини электрон тарзда амалга ошириш имконияти яратилди**
- **Давлат харидлари тўғрисидаги ахборотлар давлат тилида эълон қилиниши ва тарқатилиши шартлиги белгиланди**
- **Давлат харидлари субъектларининг давлат харидлари соҳасидаги жавобгарлиги оширилади**
- **Давлат харидлари ижрочиларининг бенефициар мулкдорлари тўғрисидаги маълумотлар очиқланиши белгиланди**
- **Корпоратив буюртмачиларнинг қамрови кенгайтирилди (болалари ва неваралари)**
- **Харид комиссиясининг таркиби давлат буюртмачиларнинг аъзоларидан ташкил топиши белгиланди**
- **Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг аффилланган шахси электрон дўкон, аукцион, энг яхши таклифларни танлаш ва тендер савдолари бўйича битта лотда иштирок этишга ҳақли эмаслиги белгиланди**

Қонуннинг асосий қоидалари

Коррупцияни олдини олиш ва **ошкоралик**ни таъминлаш бўйича чоралар белгиланди:



Коррупцияга қарши курашиш агентлиги давлат харидлари устидан **назорат қилувчи органлар** рўйхатига киритилди.

Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси ва унинг **аффилланган шахси** бир савдода иштирок этиши, харид комиссияси аъзосининг иштирокчилар билан **аффилланганлик ҳолатида овоз бериши** чекланди.

Ҳисоб палатаси **давлат харидларини аудитдан ўтказиши** ва **натижаларини** ҳар йили **Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиши** ҳамда **очиқ ахборот манбаларида** эълон қилиб бориши белгиланди.

Молия вазирлиги ва бошқа иштирокчиларга савдо натижалари, қонун бузилиш ҳолатлари ва таҳлилий маълумотларни **очиқ ахборот манбаларида эълон қилиб бориш вазифаси юклатилди.**

Махсус ахборот порталида давлат харидларини режалаштириш, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш, шартнома тузиш, давлат харидлари мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш жараёнлари тизимлаштирилди.

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган субъектларнинг давлат харидларида **иштирок этишини чеклаш муддати уч йилдан икки йилгача** қисқартирилди.

Давлат харидлари тизимини янада ривожлантириш, соҳага тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш ҳамда очиқлик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган бошқа кўплаб ўзгаришлар киритилди.



Айрим корпоратив ва бюджет буюртмачиларини давлат хариди тизимини янада такомиллаштириш ҳамда коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш механизмлари жорий этилди.
(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги ПҚ-5171-сон Қарори)

2021 йил 22 апрелда Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида” **Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди**

Тадбиркорлик субъектларини давлат харидларида иштирокини рағбатлантириш мақсадида бюджет ташкилотлари билан **1 млрд. сўмгача** тузиладиган шартномаларида аванс миқдорини **30 фоизгача амалга ошириш имконияти** яратилди.
Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сон қарори

Давлат харидларида фойдаланиладиган Товар (иш, хизмат)ларнинг миллий классификатори яратилди (tasniflagich.mf.uz).
(Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 26 январдаги 37-сон қарори)

Давлат харидлари тўғрисидаги **қонунчиликни бузганлик** учун жавобгарлик белгиланди.
(Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекси)

Давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2018 йил 9 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди

“Харид қилиш, профессионал этика, бошқарув ва очиқлик (PRIMO)” ҳамда “Давлат харидлари – тадбиркор бизнеси ривожи учун кенг имкониятлар пойдевори” форумлари ўтказилди.

Давлат харидларини амалга оширишнинг алохида тартиби белгиланган **йирик давлат корхоналарининг хариди** ҳам жамоатчилик учун очиқланиши таъминланди.
(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ-4544-сон Қарори)

2020 йилда **тендер (танлов)ларни** электрон шаклда ўтказишни таъминловчи тизим жорий этилди (http://etender.uzex.uz ва https://xt-xarid.uz/).

2020 йилдан бошлаб Давлат харидлари соҳасини “**Коррупциясиз соҳа**” қилиш лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланди.

Қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Режа жадвал


Давлат харидлари режаларини, шу жумладан **режа-жадвалларини шакллантириш ва жойлаштириш** тартиби бўйича қонунчилик талабларига риоя этмаслик, шунингдек, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда давлат харидларини амалга ошириш чоғида махсус ахборот порталига давлат харидлари бўйича **эълонлар жойлаштириш тартибини, мажбурий муҳокама ўтказиш тартиби ва муддатларини ҳамда давлат хариди натижаларини жойлаштириш муддатларини** бузиш

5 бараваридан 10 бараваригача
(1 350 000 – 2 700 000 сўм)

Эълон маълумотлари

Давлат харидлари тўғрисидаги **эълонларга ва харид ҳужжатларига қонунчиликда тақиқланган ҳамда рақобатни чекловчи ахборотни**, ҳаволалар ва талабларни **киритиш**, харид ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда буюртмаларни шакллантириш тартибларини бузиш

10 бараваридан 15 бараваригача
(2 700 000 – 4 050 000 сўм)



Харид турини бузиш

Товарларни, ишларни ва хизматларни етказиб берувчиларни **тендер ўтказиш йўли билан аниқлаш талабларини бузиш**, шунингдек, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ товарларни етказиб берувчини, иш бажарувчини ва хизмат кўрсатувчини **рақобатли харид усули воситасида аниқлаш белгиланган ҳолларда, давлат харидларини ягона етказиб берувчидан ёки тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга ошириш** тўғрисида қарор қабул қилиш

15 бараваридан 20 бараваригача
(4 050 000 – 5 400 000 сўм)

Манфаатлар тўқнашуви

Давлат харидлари жараёнидаги **аффилланганлик ва манфаатлар тўқнашуви ҳақида** давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда **хабар бермаслик**, шунингдек, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилмаган ҳолларда, давлат харидлари бўйича **таклифларни қабул қилмаслик ёки таклифларни тақдим этиш муддатларини** давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига зид равишда **қисқартириш**, шунингдек, таклифлар солинган конвертларни очиш ва харид ҳужжатларига мувофиқ таклифларни баҳолаш талабларини бузиш

20 бараваридан 30 бараваригача
(5 400 000 – 8 100 000 сўм)

"ЁШЛАР – ЮҚОРИ МАРРАЛАР" ПЛАТФОРМАСИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ЎҚУВ СЕМИНАРИ УЧУН ДАВЛАТ ҚАРЗИ БЎЙИЧА ТЕЗИС

Давлат қарзи – Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи маблағларни жалб қилиш натижасида юзага келган мажбуриятлари.

Давлат ташқи қарзи – Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро облигацияларни чиқариш, давлат ғазначилик облигацияларини норезидентлар ўртасида бирламчи жойлаштириш, норезидентлардан Ўзбекистон Республикаси номидан кредитларни ҳамда давлат кафолати остида қарз маблағларини жалб қилиш натижасида юзага келган мажбуриятлар ҳисобланади.

Давлат ички қарзи – Ўзбекистон Республикаси номидан давлат ғазначилик облигацияларини резидентлар ўртасида бирламчи жойлаштириш, резидентлардан Ўзбекистон Республикаси номидан кредит ва кредит линиялари орқали маблағ жалб қилиш ва резидентлардан давлат кафолати остида қарз маблағларини жалб қилиш натижасида юзага келган мажбуриятлар ҳисобланади.

Давлат қарзи мамлакатимиз аҳолисини ичимлик суви ва барқарор электр энергияси билан таъминлаш, уй-жой қуриш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги кечиктириб бўлмас лойиҳаларни молиялаштириш билан бирга, инфратузилма ва базавий тармоқларни ривожлантириш билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш ҳамда давлат қарзини қайта молиялаштириш учун жалб қилинади.

Давлат ташқи қарзи портфелининг катта қисми узоқ муддат (40 йилгача) ҳамда имтиёзли фоиз ставкаларида тақдим этилган. Мазкур қарзлар давлат корхоналари, банклар ва қисман давлат бюджети ҳисобидан қайтарилади.

2018–2021 йилларда амалга оширилган ишлар

1. Суверен кредит рейтинг ва халқаро облигациялар

Ўзбекистон Республикасининг илк суверен кредит рейтинги олинди (2018 йил 20–21 декабрда "Fitch" ва "S&P"дан "BB-" Барқарор кутилма) ва илк суверен халқаро облигациялар Лондон қимматбаҳо қоғозлари бозорида (2019 йил 13 февралда 1 млрд. АҚШ доллар) жойлаштирилди:

– иқтисодий сиёсат барометри бўлиб хизмат қилади ва ислоҳотлар самараси учун зарур шаффофлик ва очиқлик таъминланади;

– суверен рискини тўғри баҳолашга, молиялаштириш манбаларини диверсификациялашга, давлат банклари ва корхоналари учун "бенчмарк" яратиш ва кафолатисиз молиялаштиришни ўтказилишга хизмат қилмоқда:

2019 й. – "Ўзсаноатқурилишбанк" (300 млн. долл., 5,75%);

2020 й. – "Ўзмиллийбанк" (300 млн. долл., 4,85%), "Ипотека-банк" (300 млн. долл., 5,5%);

2021 й. – "Uzauto Motors" АЖ (300 млн. долл., 4,85%);

2021 й. – "Узбекнефтегаз" АЖ (700 млн. долл., 4,75%).

– 2020 йилда илк бора сўмда 2 трлн. сўмлик халқаро облигациялар (14,5%) ва 2021 йилда 2,5 трлн. сўмлик халқаро облигациялар (14%) Барқарор ривожланиш мақсадларини молиялаштириш учун чиқарилди (2021 йилда Ипотека-банк ҳам сўмдаги халқаро облигацияларни чиқарди).

2. Давлат қарзини хавфсиз даражада сақлаш, диверсификациялаш ва самарали бошқариш чоралари

1. давлат қарзини бошқаришнинг ўрта муддатли стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди (Жаҳон банки ва ХВЖ билан).

2. ҳар йили Қарз барқарорлиги таҳлили амалга оширилмоқда (ХВЖ) ва 2021 йилда Бюджетномада акс эттирилди.

3. ХВЖнинг фискал қоидалар асосида давлат қарзининг макроиқтисодий барқарорлик учун хавфсиз даражаси (ЯИМга нисбатан 60%) аниқланди ҳамда Давлат бюджети қонунчилигида белгилаб қўйилди.

4. давлат қарзини чеклашни қонуний белгилаш механизми татбиқ этилди:

– 2020 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан давлат ташқи қарзни жалб этиш бўйича шартномаларнинг чекланган ҳажми (5,5 млрд. долл.) белгиланди;

– 2021 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан давлат қарзининг хавфсиз даражаси (ЯИМга нисбатан 60%) ва давлат ташқи ва ички қарзини жалб қилиш бўйича йиллик лимитлар (5,5 млрд. долл., шундан давлат ички қарзи – 5 трлн. сўм) белгиланди.

5. АҚШ Ғазначилиги консультанти кўмагида “Давлат қарзи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва Осиё Тараққиёт Банкининг тавсиялари ва эксперт асосида ишлаб чиқилди, экспертизадан ўтказилди ва Олий Мажлисга тақдим этилди.

6. 2021 йилдан ички давлат кафолати берилиши тўхтатилди.

7. 2020 йилда Кафолат жамғармаси ташкил этилди.

8. 2021 йилдан бошлаб устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва унлан ортиқ миқдорда бўлган юридик шахсларнинг (ижтимоий соҳа объектлари ва инфратузилма лойиҳалари бундан мустасно) инвестиция лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси давлат кафолатисиз бозор шартларида молиялаштиришга ўтказилмоқда.

9. Давлат қарзи портфелини диверсификациялаш ва валюта хатарини пасайтириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан:

- давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш ҳажми қарийб 19 баробарга оширилди. Хусусан, 2018 йилда Молия вазирлиги томонидан умумий қиймати 597,1 млрд. сўм миқдоридаги давлат қимматли қоғозларини аукцион савдоларини ўтказиш орқали жойлаштирилган бўлса, 2019 йилда чиқарилган ДҚҚлар миқдори 1 550 трлн. сўм, 2020 йилда аукционда жойлаштирилган ДҚҚлар 5 трлн. сўмга етди ва жорий йилнинг ўн ойида эмиссия қилинган ДҚҚлар миқдори 4,1 трлн. сўмни ташкил қилди;
- 2021 йилда давлат қарзи портфелини муддатлар кесимида диверсификациялаш, қайта молиялаштириш хатарларини камайтириш ва даромадлилик эгри чизиғини шакллантириш мақсадида илк бор муомала даври 5 йил бўлган 100 млрд. сўмга тенг давлат қимматли қоғозлари чиқарилди;
- 2021 йил февраль ойидан бошлаб Молия вазирлиги томонидан давлат қимматли қоғозлари бўйича аукционлар ўтказиш графигини вазирликнинг расмий веб-саҳифасида эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилди;
- 2020–2021 йилларда миллий валютада 4,5 трлн. сўмлик суверен халқаро облигациялар Лондон фонд биржасида жойлаштирилган бўлса, 2022–2023 йиллар давомида суверен халқаро облигацияларда миллий валютадаги улушни 40 фоизга ошириш белгиланди;
- давлат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш Йўл харитаси амалга оширилмоқда (унда инфратузилмани такомиллаштириш, халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва хорижий инвесторларни жалб қилиш кўзда тутилган).

3. Статистика очиқлигини таъминлаш чоралари

1. давлат қарзини бошқариш ва молиявий таҳлил тизими (DMFAS-6 дастурий мажмуаси) ёрдамида маълумотлар автоматлаштирилди.

2. давлат қарзи ҳолати ва динамикасининг чораклик шарҳи (ўзбек ва инглиз тилларида), хорижий инвесторлар учун махсус ойлик ахборотнома (инглиз тилида) эълон қилинмоқда ва инвесторларга юборилмоқда.

3. қарз статистикаси ХВЖ ва ЖБ стандартлари асосида ошкор этилмоқда.

ДАВЛАТ ҚАРЗИ ҲОЛАТИ ВА ДИНАМИКАСИ

Жасур Каршибаев *– Давлат қарзи департаменти директори*

Мундарижа

1. Давлат қарзи динамикаси ва жорий ҳолат …….3

2. Давлат ташқи қарзининг кредиторлар ва соҳалар кесимида тақсимланиши……..……..4


3. Давлат қарзи бўйича маълумот……..…..5

4. Давлат қарзини самарали бошқариш чоралари.....6-7

Давлат қарзининг ҳолати ва динамикаси

Давлат қарзининг жорий ҳолати

млрд. долл.



- Ўзбекистон Республикаси номидан тўғридан-тўғри жалб қилинган – **16,3 млрд. долл.**
- Давлат кафолатлаган – **6,4 млрд. долл.**
- Давлат қимматли қоғозлари (ДҚҚ) – **4,0 трлн. сўм**
- Давлат кафолатлаган – **2,2 млрд. долл.**


Ўзбекистон Республикаси номидан ва давлат кафолати остида имзоланган ташқи қарз битимлари ҳажми

млрд. долл.




Давлат қарзининг динамикаси

млрд. долл.



Давлат кафолати остида имзоланган ички қарз битимлари ва давлат қимматли қоғозлари эмиссияси ҳажми

трлн. сўм



* 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида ички мажбуриятлар бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати тақдим қилинмади

Давлат ташқи қарзи

Давлат ташқи қарзининг кредиторлар кесимида тақсимланиши,
*(01.10.2021 й. ҳолатига)**

ADB	Осиё тараққиёт банки – **5,1 млрд. долл.**
THE WORLD BANK	Жаҳон банки – **3,9 млрд. долл.**
CHINA EXIM BANK	Хитой эксимбанки – **2,0 млрд. долл.**
国家开发银行 CHINA DEVELOPMENT BANK	Хитой давлат тараққиёт банки ва бошқалар – **2,2 млрд. долл.**
JICA	Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги – **2,1 млрд. долл.**
	Халқаро инвесторлар – **2,6 млрд. долл.**
IsDB	Ислом тараққиёт банки – **0,9 млрд. долл.**
JBIC	Япония халқаро ҳамкорлик банки ва бошқалар – **0,6 млрд. долл.**
	Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси ва бошқалар – **1,0 млрд. долл.**
	Бошқа халқаро молиявий ташкилотлар – **2,3 млрд. долл.**


Давлат ташқи қарзи иқтисодиёт тармоқлари кесимида тақсимланиши,
*(01.10.2021 й. ҳолатига)**



* Дастлабки ҳисоб-китоблар

Давлат қарзига хизмат кўрсатиш жами харажатлари

млрд. долл.



Давлат ташқи қарзининг кредиторлар кесимида тақсимланиши

2021 йил 1 октябрь ҳолатига*




Хитой Халқ Республикаси	42,3%
Япония	27,8%
Жанубий Корея	10,4%
Бошқа давлатлар	19,5%

Осиё тараққиёт банки	49,4%
Жаҳон банки	37,6%
Ислом тараққиёт банки	8,3%
Бошқа ХМИлар	4,7%


Давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш жами харажатлари

млрд. долл.



Давлат ташқи қарзининг валюта таркиби

2021 йил 1 октябрь ҳолатига*



АҚШ доллари	70,5%
Япон иенаси	11,2%
СДР	8,8%
Евро	4,7%
Бошқалар	4,8%

* Дастлабки ҳисоб-китоблар

Давлат қарзини самарали бошқариш бўйича амалга оширилган ишлар

Давлат қарзини хавфсиз даражада сақлаш чоралари

- **Давлат қарзини чеклашни қонуний белгилаш механизми** татбиқ этилди:
  - 2020 йилда **давлат ташқи қарз шартномаларига лимит** (5,5 млрд. долл.) белгиланди;
  - 2021 йилда **давлат қарзининг хавфсиз даражаси** (ЯИМга нисбатан 60%) ва давлат **қарзига** йиллик лимитлар (5,5 млрд. долл., шундан давлат ички қарзи – 5 трлн. сўм) қонунан белгиланди;
  - 2022 йил учун давлат қарзининг хавфсиз даражаси (ЯИМга нисбатан 60%) ва давлат **қарзига** йиллик лимитлар (4,5 млрд. долл., шундан давлат ички қарзи – 6 трлн. сўм) белгиланиши кутилмоқда.
- АҚШ Ғазначилиги консультанти кўмагида **"Давлат қарзи тўғрисида"ги қонун лойиҳаси** ишлаб чиқилди ва Олий Мажлисга киритилди;
- 2021 йилдан **ички давлат кафолати берилиши тўхтатилди**;
- 2021 йилдан бошлаб устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда бўлган юридик шахсларнинг (ижтимоий соҳа объектлари ва инфратузилма лойиҳалари бундан мустасно) инвестиция лойиҳалари **давлат кафолатисиз бозор шартларида молиялаштиришга ўтказилмоқда.**

Суверен кредит рейтинг ва халқаро облигациялар

- Ўзбекистон Республикасининг **илк суверен кредит рейтинги** олинди (2018 йил 20–21 декабрда "Fitch" ва "S&P"дан **"BB-" Барқарор кутилма)** ва **илк суверен халқаро облигациялар** Лондон қимматбаҳо қоғозлари бозорида (2019 йил 13 февралда 1 млрд. АҚШ долл.) жойлаштирилди:
  - иқтисодий сиёсат **барометри** бўлиб хизмат қилади ва ислоҳотлар самараси учун зарур **шаффофлик** ва **очиқлик** таъминланади;
  - **суверен рискини тўғри баҳолашга**, молиялаштириш манбаларини **диверсификациялашга**, давлат банклари ва корхоналари учун **"бенчмарк"** яратиш ва давлат **кафолатисиз молиялаштиришга** ўтказилишга хизмат қилмоқда;
  - 2019 й. – "Ўзсаноатқурилишбанк" (300 млн. долл. – 5,75%);
  - 2020 й. – "Ўзмиллийбанк" (300 млн. долл. – 4,85%), "Ипотека-банк" (300 млн. долл. – 5,5%);
  - 2021 й. – "Uzauto Motors" АЖ (300 млн. долл. – 4,85%);
  - 2020–2021 йилларда миллий валютада 4,5 трлн. сўмлик суверен халқаро облигациялар Барқарор ривожланиш мақсадларини молиялаштириш учун чиқарилди (2021 йилда Ипотека-банк ҳам сўмдаги халқаро облигацияларни чиқарди).

Давлат қарзини самарали бошқариш бўйича амалга оширилган ишлар

Давлат қарзини диверсификациялаш ва самарали бошқариш чоралари

- 2018–2021 йилларда давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш йиллик ҳажми қарийб **19 бараварга** (600 млрд. сўмдан 5 трлн. сўмгача) оширилди ва **5 йилгача бўлган ДҚҚ** чиқарилмоқда;
- **Давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш** Йўл харитаси амалга оширилмоқда *(инфратузилмани такомиллаштириш, халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва хорижий инвесторларни жалб қилиш);*
- **Давлат қарзини бошқаришнинг ўрта муддатли стратегияси** лойиҳаси ишлаб чиқилди (Жаҳон банки ва ХВЖ ҳамкорлигида);
- ҳар йили **Қарз барқарорлиги таҳлили** амалга оширилмоқда (ХВЖ) ва 2021 йилда Бюджетномада акс эттирилди;
- 2020 йилда **Кафолат жамғармаси** ташкил этилди**.**

Статистика очиқлигини таъминлаш чоралари

- **Давлат қарзини бошқариш ва молиявий таҳлил тизими** (DMFAS-6 дастурий мажмуаси) ёрдамида маълумотлар автоматлаштирилди;
- **Давлат қарзи ҳолати ва динамикасининг чораклик шарҳи** (ўзбек ва инглиз тилларида), хорижий инвесторлар учун махсус **ойлик ахборотнома** (инглиз тилида) эълон қилинмоқда ва инвесторларга юборилмоқда;
- Қарз статистикаси ХВЖ ва ЖБ стандартлари асосида ошкор этилмоқда.

МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА ПРОГНОЗЛАШТИРИШ МАВЗУСИ БЎЙИЧА ТУШУНЧАЛАР ИЗОҲИ

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – мамлакат ҳудудида муайян вақт (ой, чорак, йил ва ҳ.к.) давомида яратилган пировард товар ва хизматларнинг бозор баҳосидаги қийматини ифодаловчи макроиқтисодий кўрсаткич.

Якуний истеъмол усулида ҳисобланган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – иқтисодиётдаги барча резидент институционал бирликларининг якуний истеъмолга, ялпи жамғарилишга ва соф экспортга қилган харажатларини ифодаловчи кўрсаткичдир.

Ялпи ички маҳсулот дефлятори – маълум бир давр мобайнида мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинган товар ва хизматлар нархлари умумий даражасининг ўзгаришини ифодаловчи нисбий кўрсаткич.

Ялпи талаб – уй хўжаликлари, корхоналар, ҳукумат ва чет эллик харидорлар нархларнинг маълум даражасида иқтисодиётда ишлаб чиқарилган якуний товар ва хизматларнинг умумий ҳажмига бўлган талаби.

Ялпи даромад – корхона, фирманинг товар, маҳсулот, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотув натижасида пул кўринишида ҳисобланган йиллик йиғинди даромади.

Экспорт – хорижий бозорда сотиш ёки бошқа мамлакатда қайта ишлаш учун мўлжалланган, хорижлик харидорларга сотилган товарларнинг хорижга чиқарилиши.

Чет эл инвестициялари – чет эллик инвесторлар, асосан, даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар.

Хорижий кредит – халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида валюта ва товар ресурсларини қайтариш, муддатлилик ҳамда фоиз тўлаш шартларига кўра тақдим этиш билан боғлиқ ссуда сармоясининг ҳаракати.

Хорижий қарзлар – бошқа мамлакатлардан, хориждан олинган ташқи қарзлар.

Хорижий сармоя – мазкур мамлакатнинг иқтисодиётига бошқа мамлакатларнинг сармоя киритиши, инвестиция.

Хорижий инвесторлар – бирон-бир мамлакатда хорижий инвестицияларни амалга оширадиган хорижий жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, давлат ва халқаро ташкилотлар.

Фискал тизим – бу давлат даромадлари ва харажатларининг тўлиқ тузилиши ва унинг идоралари ушбу маблағларни йиғиш ва тўлаш доираси.

Фискал даромадлар – давлат ғазнаси, давлат бюджети даромадлари.

Фискал йил – одатда, календарь йили билан мос келадиган ҳисоб даври.

Саноат иқтисодиёти – саноат, ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат самарадорлиги ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни аниқлайдиган ижтимоий техник ва ташкилий омиллар йиғиндиси.

Саноат капитали – қўшимча қиймат ҳосил қилишга жалб этилган ва моддий ишлаб чиқаришда хизмат қилувчи капитал.

Саноат маҳсулоти – барча саноат корхоналарининг маълум даврдаги ишлаб чиқариш фаолиятининг пул бирлигидаги ифодаси.

Савдо баланси – мамлакатнинг импорт ва экспорт қилинадиган моллар баланси.

Реал даромад – товар ва хизматларнинг реал нархларини ва ундириладиган солиқларни ҳисобга олиб ҳисобланган фуқароларнинг пул даромадлари.

Реал инвестициялар – моддий ишлаб чиқариш, фаолиятнинг моддий-буюм кўринишига узоқ муддатли маблағ қўйилиши. Пул маблағларига сотиб олиш мумкин бўлган инвестицион ресурслар реал инвестиция дейилади.

Инфляция – пул массасининг товар айланмаси эҳтиёжларига нисбатан ортиб кетиши натижасида пул бирлигининг қадрсизланиши ва шунга мос равишда товар нархларининг ўсишидир.

Инфляция курси – бозорларга чиққанда пайдо бўладиган, олдиндан кўрилмаган ишлаб чиқариш чиқимлари ўсишидан келиб чиққан кредит хавфи; пулларни зарарсизланиш даражасини ифодалайдиган кўрсаткич.

Инфляция суръати – белгиланган вақт даврида умумий нарх даражаси ўсишининг фоизларда ифодаланган йиллик суръати.

Инфляция узилиши – номинал соф миллий маҳсулот тўлиқ бандликда ишлаб чиқарилган, инфляцияга учрамаган СММ даражасига мувофиқ келиши учун биргаликдаги харажатлар чизмаси пастга тушиши керак бўлган ўлчам.

Инфляция хавфи – инфляция жараёни оқибатида ишлаб чиқариш харажатларининг кўзда тутилмаган ўсишидан пайдо бўлган хавф.

Умумий фискал баланс – Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини ҳамда давлат дастурларини амалга ошириш учун четдан жалб қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган қарз маблағлари эвазига амалга ошириладиган харажатларни ўз ичига олган жамланма баланс.

Фискал таваккалчиликлар – бюджет жараёни иштирокчилари учун бюджет тизими бюджетлари маблағларини шакллантириш ва сарфлашда молиявий ресурслардаги йўқотишларни баҳолаш.

Субвенция – муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

Субсидия – товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ва уларни реализация қилишни молиялаштириш ёки биргаликда молиялаштириш ёхуд мақсадли харажатларнинг ўрнини қисман қоплаш учун бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган пул маблағлари.

Дотация – бюджет тизими бюджетларига уларнинг ўз даромадлари етишмаган тақдирда даромадлар билан харажатлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

Ўрта муддатли давр учун фискал стратегия – ўрта муддатли давр учун солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини белгиловчи ҳужжат.

Макроиқтисодиёт – бу мамлакат миқёсида моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини бир бутун қилиб бирлаштирган миллий ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиёт.

Макроиқтисодий модель – иқтисодий математик моделларнинг узвий қисми, бутун иқтисодиётни ва унинг энг муҳим тармоқлари, секторлари, соҳалари ривожланишини математик шаклда акс эттирувчи иқтисодий математик модель. Макроиқтисодий модель иқтисодиётни ягона тизим сифатида ифодалаб, унинг умумлаштирилган моддий ва молиявий кўрсаткичлари: ялпи ички маҳсулот, истеъмол, инвестиция, бандлик, фоиз ставкалари, пул миқдори ва бошқаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Макроиқтисодий моделни тузишнинг асосий мақсади макроиқтисодий боғланишлардан иборат турли ҳодисаларни соддалаштирилган шаклда ифодалаш орқали унинг ечимини топишдир. Макроиқтисодий модель тузиш жараёнида ўрганилаётган ҳодисанинг муҳим омиллари аниқланиб, ечилиши кутилаётган муаммо учун муҳим бўлмаган жиҳатлар тушириб қолдирилади.

МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА ПРОГНОЗЛАШТИРИШ

Зуфар Нуриддинов *– Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Макроиқтисодий сиёсат, таҳлил ва прогнозлаштириш департаменти бош мутахассиси*

ПИРОВАРД МАҚСАД:

ЮҚОРИ ВА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ

01 РЕАЛ СЕКТОР

МОНЕТАР СЕКТОР 02

03 ФИСКАЛ СЕКТОР

ТАШҚИ СЕКТОР 04

2017–2021 йиллардаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

T/p	Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й. *кутилиш*	2021 йил 2016 йилга нисбатан, *баравар*	Йиллик ўртача ўсиш, %
1	**ЯИМ, млрд. сўм**	**317 476**	**424 729**	**529 391**	**602 551**	**722 830**	***1,3***	***4,8***
	ўсиш суръати, %	*104,4*	*105,4*	*105,7*	*101,7*	*107,0*		
	Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми, доллар	*1 884*	*1 597*	*1 784*	*1 750*	*1 955*		
2	**Аҳоли реал даромадлари, млрд. сўм**	**216 400**	**255 971**	**319 336**	**372 211**	**392 336**	***1,4***	***7,1***
	ўтган йилга нисбатан, %	*109,3*	*108,1*	*106,1*	*101,8*	*110,4*		
3	**Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, млрд. сўм**	**72 155**	**124 231**	**195 927**	**210 195**	**253 632**	***2,2***	***17,1***
	ўсиш суръати, %	*119,4*	*129,9*	*138,1*	*95,6*	*107,4*		
	ЯИМга нисбатан, %	*22,7*	*29,2*	*37,0*	*34,9*	*35,1*		
4	**Кредит қўйилмалар давр охирига, млрд. сўм**	**83 500**	**134 861**	**208 726**	**280 366**	**331 842**	***6,1***	***43,5***
	номинал ўсиш суръати, %	*152,9*	*161,5*	*154,8*	*134,3*	*118,4*		
5	**Консолидациялашган бюджет даромадлари, млрд. сўм**	**76 417**	**117 764**	**146 655**	**160 394**	**213 060**	***3,4***	***27,7***
	номинал ўсиш суръати, %	*122,0*	*154,1*	*124,5*	*109,4*	*132,8*		
	ЯИМга нисбатан, %	*24,1*	*27,7*	*27,7*	*26,6*	*29,5*		
	Консолидациялашган бюджет харажатлари, млрд. сўм	**79 964**	**125 349**	**166 411**	**187 971**	**252 470**	***4,1***	***32,5***
	номинал ўсиш суръати, %	*129,3*	*156,8*	*132,8*	*113,0*	*134,3*		
	ЯИМга нисбатан, %	*25,2*	*29,5*	*31,4*	*31,2*	*34,9*		
	Консолидациялашган бюджет дефицити, млрд. сўм	**-3 547**	**-7 585**	**-19 756**	**-26 089**	**-39 410**	***x***	***x***
	ЯИМга нисбатан, %	*1,1*	*1,8*	*3,7*	*4,3*	*5,5*		
6	**Давлат ташқи қарзи давр охирига, млн. доллар**	**7 536**	**10 016**	**15 605**	**21 080**	**25 528**	***4,6***	***35,4***
	ўтган йилга нисбатан, %	*134,6*	*132,9*	*155,8*	*135,1*	*121,1*		
7	**Инфляция,** ўтган йил якунига нисбатан, *%*	**18,8**	**14,3**	**15,2**	**11,1**	**10,0**	***x***	***x***

РЕАЛ СЕКТОР


ЯИМнинг таркиби

фоизда



1 кВат/соат электр-энергиясининг ЯИМ яратиши

сўмда (2018 йил нархларида)



Саноат	2019 й.			2020 й.		
	Қўшилган қиймат *млрд. сўм*	Ўсиш, *%*	Жамига нисбатан, *%*	Қўшилган қиймат *млрд. сўм*	Ўсиш, *%*	Жамига нисбата, *%*
Жами тармоқ бўйича	**136 103**	**5,0%**	***100%***	**152 728**	**1,1%**	***100%***
Тоғ-кон саноати	31 338	-0,6%	*23%*	23 140	-26,9%	*15,2%*
Металлургия саноати	31 969	6,7%	*23,5%*	44 342	6,3%	*29%*
Электр энергиясини ишлаб чиқариш	9 055	5,1%	*6,7%*	11 769	12,5%	*7,7%*
Автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш	5 957	21,0%	*4,4%*	6 078	-0,2%	*4%*


- Ялпи ички маҳсулот таркибида саноат ва қурилишнинг улушлари ўсиб бормоқда, хизматлар ва қишлоқ хўжалиги улушлари эса камаймоқда.
- Саноат маҳсулотидаги қўшилган қийматнинг тахминан **56 фоизи** йирик давлат улушига эга корхоналар томонидан ишлаб чиқарилади. Бироқ, уларда ишлаб чиқариш омиллари *(капитал ва ишчи кучи)* максимал даражада эксплуатация қилинмоқда ва уларнинг юқори суръатларда ўсиш имкониятларини ошириш учун йирик сармоялар киритилмоқда.
- Давлат бюджети харажатлари ҳамда давлат ташқи қарзининг ўсиб бораётганлиги **ушбу тармоқларга капитал йўналтириш эҳтимолини англатади**.

ФИСКАЛ СЕКТОР

Консолидациялашган бюджет
млрд. сўмда



Олтин экспортидан давлат бюджетига тушумлар
ЯИМга нисбатан фоизда



Давлат қарзи ва марказлашган инвестициялар
ЯИМдаги улуши фоизда




❖ Давлат бюджети харажатлари вақтинчалик ёки бир марталик омиллар таъсири орқали тушумларнинг кўпайиши ҳисобига қопланди *(олтин экспортидан тушумлар, ташқи қарз ва ҳ.к.)*. Хусусан:


- валюта бозори, нарх ва тарифларни либераллаштириш, савдо тўсиқларини эркинлаштириш давлат бюджети даромадлари ва харажатлари салоҳиятини сезиларли даражада оширди;
- амалга оширилган таркибий ислоҳотлар халқаро молия институтлари билан фаол ҳамкорлик қилишга имкон яратди ҳамда қарз маблағларини жалб қилишни фаоллаштирди.

ТАШҚИ СЕКТОР


Экспорт ва импорт
млн. долл.



Импорт ва бошқа ташқи тўловларни молиялаштириш манбаларининг таркиби
фоизда



Ташқи қарз оқими,
млн долл.



❖ Иқтисодиётни молиялаштириш таркибида ташқи қарзлар ҳисобига валюта оқимининг улуши 2016 йилдаги **6 фоиздан** 2020 йилда **20 фоизгача** ўсди.

❖ Соф пул ўтказмаларининг улуши сўнгги 4 йилда **3 фоиз бандга** ошган. Ушбу кўрсаткич иқтисодий ўсишни молиялаштиришнинг ўртача **13,5 фоизи** халқаро пул ўтказмаларига боғланиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу иқтисодиётдаги вазиятнинг хорижий мамлакатлардаги ҳолатга боғлиқлик даражасини оширади.

❖ Валюта харажатлари таркибида ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатларининг улуши **1,7 фоиз бандга** ошган.

❖ Кейинги 10 йилликда иқтисодий сиёсатнинг мақсади аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмини **$1700** дан **$4200** гача ошириш ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, ЯИМ ҳажмининг **$160** млрд.дан ошишини англатади.

❖ Агар импортнинг ЯИМга нисбати ҳозирги ҳолатда *(35%)* сақланиб қолса, бунда ташқи савдо балансини таъминлаш учун экспортни мос равишда ошириш талаб этилади.

O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi

YOSHLAR YUQORI MARRALAR

2022 йил ва келгусида иқтисодий ўсишнинг мақсадли кўрсаткичлари ва уларга эришишнинг асосий шартлари ҳамда мавжуд хатарлар

Асосий мақсадлар:

- **ЯИМни 2022 йилда 6 фоизга (аҳоли жон бошига $ 2100) ташкил этиши прогноз қилинмоқда.**
  2023 йилда – 6,2%, 2024 йилда – 6,6%, 2025 – 6,9%, 2026 йилда – 7%;
- **Кам таъминланган (камбағал) оилалар сонини 2022 йилда 10-15 фоизга камайтириш.**

Мақсадларга эришишнинг асосий шартлари ва мавжуд хатарлар

I	**Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш**	*Инфляция, бюджет тақчиллиги, ташқи қарзини бошқариш, иқтисодиётни кредитлаш*
II	**Иқтисодий ўсишни молиялаштириштириш**	***Фискал имкониятларнинг чекланганлиги*** *2022 йилда хусусий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини* ***18 фоиз****га оширишни тақозо этади.*
III	**Ташқи иқтисодий мувозанат ва мутаносибликни таъминлаш**	*ЯИМнинг* ***юқори ўсиш*** *суръати юқори* ***технологиялар импортини*** *талаб қилади ва* ***экспортнинг ортишини*** *тақозо этади.*
IV	**Инвестиция ва кредитларнинг самарадорлигини таъминлаш**	*Банк кредитлари, халқаро молия институтлари маблағларидан самарали фойдаланиш.*
V	**Зарурий энергия манбалари билан таъминлаш**	*Маҳсулот ва хизматларга талаб ошиб бораётган соҳаларда ислоҳотларни жадаллаштириш (электро-энергия, қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт соҳаси).*
VI	**Нархларни либераллаштириш ва рақобат муҳитини яхшилаш**	*Буғдой, энерго ресурслари ва бошқа нархларни либераллаштириш хусусий инвестиция ва ишлаб чиқаришни рағбатлантиради.* *Ер майдонларини хусусийлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага бериш.*
VII	**Хусусийлаштириш ва трансформация қилиш**	*Давлат банклари ва корхоналарини трансформация қилиш ҳамда хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш ҳисобига хусусий инвестиция ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми оширилади ҳамда ишлаб чиқариш унумдорлиги яхшиланади.*

2022 йилда иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари

ЯИМ 840 трлн. сўм
(6% ўсиш)

- **620 трлн. сўм** — **Якуний истеъмол**
- **313 трлн. сўм** — **Инвестиция** *(290 трлн)* **ва товар-хомашё заҳира** *(21 трлн)*
- **316 трлн. сўм** — **Импорт** *70% инвестицион товар ва хомашё*
- **223 трлн. сўм** — **Экспорт** *(олтинсиз – 158 трлн)*

ПИИ 3,5-4 млрд. долл. ▲ **1,6-1,8 баравар**

Экспорт 14 млрд. долл. ▲ **22%**

долл. *(олтин ва газсиз)*

Номи/Йиллар	2018	2019	2020	2021	2022
Капитал инвестициялар, *ЯИМдаги улуши фоизда*	29%	37%	35%	35%	**34-35%**

Инвестициялар манбалари:

1) Инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан улуши ўртача **35 фоиз**ни ташкил этади;

2) ЯИМ *(840 трлн)*ни яратиш учун ишлаб чиқариш қувватлари *(асосий восита)*ни керакли нисбатда *(1,54 коэффициент)* сақлаб туришга **290 трлн. сўм**лик инвестициялар талаб этилади.


Иқтисодий ўсишни молиялаштириш манбалари

Ички манбалар **чекланган**	Ташқи манбалар
1. Макроиқтисодий барқарорлик шартлари: • Бюджет дефицити 3% дан ошмаслиги; • Инфляцион таргет 5% қилиб белгиланиши. *Маълумот учун: 2021 йилда бюджет харажатлари 34,3% кўпайди.* 2. Марказий банк пул массасини жиловлаш сиёсати *(инфляция)* туфайли, **кредит бозорининг ўсиши чекланади**.	1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2. Халқаро молия институти маблағларининг мавжуд ресурсларини ўзлаштириш имкониятларига боғлиқ ~ ***3,8 млрд. долл.*** *(мавжуд имкониятлар)* 3. Давлат ташқи қарзи лимити ЯИМнинг **60%** дан ошмаслиги • Йиллик имзоланадиган янги битимларнинг лимити – 4,5 млрд. долл. 3. Экспорт тушумлари

Инвестицияларни ўзлаштиришда кузатилган кечикишлар сабабли инвестиция ҳажми белгиланган прогноз параметрига нисбатан:
- *2020 йилда* ***23 трлн. сўм****га (10%га) кам бажарилди;*
- *2021 йилда* ***14 трлн. сўм****га (5,5%га) кам бажарилиши хатари пайдо бўлмоқда.*


Макроиқтисодий барқарорлик шартлари

Ялпи ички маҳсулот ўсиш динамикаси




Ўзбекистон иқтисодиётининг **ўзига хос хусусияти** - макроиқтисодий барқарорлик ва бufферларнинг таъминланиши **ташқи шоклар** юзага келганда уларнинг таъсирини **юмшатиш имкониятини** беради.

Инфляцияни жиловлаш ва кредит ресурслар билан таъминлаш шартлари



Давлат қарзини бошқариш шартлари

ЯИМга нисбатан



- **Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш:**
  - **инфляция даражаси** 2022 йилда – **9 фоиз** *(2023–2026 йилларда – 5% атрофида)*
  - **консолидациялашган бюджет тақчиллиги** 2022 йилда ЯИМга нисбатан – **3 фоиз** *(2023 йилда - -2,6%, 2024 й.-1,9%, 2025–2026й.-1,9%);*
  - **иқтисодиётни кредитлаш ҳажмлари** ЯИМнинг номинал ўсиш суръатлари доирасида бўлади;
  - **умумий давлат қарзини** ЯИМга нисбатан **60 фоиздан** паст бўлишини таъминлаш;
  - **давлат ташқи қарзини жалб қилиш** 2022 йилда – **4,5 млрд. долл.** *(2023 йилдан бошлаб 4 млрд. долл.).*
- **2021 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар** ***(23%)*** ва **халқаро молия институтлари кредитларининг** ***(14,2%)*** қисқариши шароитида бюджет ҳисобидан инвестициялар учун йил якуни билан **70 фоизга** *(1,7 баравар)* кўпроқ маблағ йўналтирилиши иқтисодий ўсишни **6,5-7,0 фоиз** атрофида бўлишига хизмат қилади.

Иқтисодий ўсишнинг молиявий ва инвестицион шарт-шароитлари

Консолидациялашган бюджет


ЯИМга нисбатан фоизда

Юқори фискал дефицит юқори давлат қарзига ёки ЎТТЖ резерваларининг камайишига олиб келади



Капитал инвестициялар

млрд. АҚШ долл.



Хатарлар:
- **2020 йилдаги** инвестициялар даражаси **прогноз кўрсаткичларидан паст** бўлган;
- **2021 йил 9 ойда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар** ҳисобидан инвестицияларни ўзлаштириш **22 фоизга** ва **халқаро молия институтлари** (ҳукумат кафолати остидаги) маблағларини ўзлаштириш **34 фоизга** пасайган.

Оқибатда:
- 2021 йилда бюжетнинг инвестицион харажатлари режага нисбатан 70 фоизга кўпроқ *(1,7 баравар)* бўлиши кутилмоқда;
- халқаро молия институтлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосидаги лойиҳаларнинг ҳар бир соҳа, тармоқ, лойиҳа ва ҳудуд кесимида аниқ белгиланмаслиги **давлат бюджетига босимни келтириб чиқаради.**
- **2021 йилдаги** инвестициялар даражаси **прогноз кўрсаткичларига етмаслиги.**

Инвестициялар таркиби ва динамикаси

ЯИМга нисбатан фоизда



- **Иқтисодий ўсиш учун молиявий ва инвестицион шарт-шароитларни яратиш** *(инвестицион ва истеъмол талабни бир маромида ушлаб туриш).*
- Консолидациялашган бюджет харажатлари 2020 йилда – **13 фоизга**, 2021 йилда **32,9 фоизга** ўсган.
- **Бюджет тақчиллигининг** 2020 йилда – **-4,3 фоизни ва** 2021 йилда - **-6,1 фоизни ташки этиши ҳисобига** сўнгги 2 йилда:
  - давлат ташқи қарзи қолдиғи – **10 млрд. долларга;**
  - Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг – **1,5 млрд. долларга** қисқаришига олиб келди;

Шунингдек, 2020 йилдан 2021 йил 1 сентябргача **Давлат иштирокидаги корхоналар** ва **банкларнинг** ташқи қарз қолдиқлари *(кафолатланмаган ташқи қарз)* **5,2 млрд. долларга** *(8,7 млрд.долларга етади)* ошишига олиб келди.

Ташқи иқтисодий барқарорликни таъминлаш

2021–2026 йилларда **экспорт** (олтин ва газсиз) **ҳажмини 2 бараварга ошириш лозим:**


- Жаҳон нархларининг барқарорлашуви фонида экспортнинг физик ҳажмини йилига **15-20** фоизга ошириш талаб этилади.

1. Иқтисодиётда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун талабни оширади

2. Импортни молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади

2021 ва 2026 йилларда импортни молиялаштириш манбалари


(млрд. доллар)



Импортнинг экспорт (олтин ва газсиз) билан қопланганлик даражаси

2021 й	2026 й
52 %	67 %

ЯИМ, экспорт (олтин ва газсиз) ва **импорт** динамикаси



- Импортнинг ЯИМга нисбати ўртача **35** фоизни ташкил этади;
- Импорт таркибида технология ва хомашёнинг улуши **70** фоиз;

- Олдинги йиллар оралиғида **экспорт ҳажми** номинал ҳисобда **45** фоизга **ўсган**:
- Экспортнинг реал (нарх) ўсиш суръати йилига ўртача **5,2** фоизни ташкил этган.

Зарурий энергия манбалари билан таъминлаш ва маҳсулот ҳамда хизматларига талаб ошиб бораётган соҳаларда ислоҳотларни жадаллаштириш

Иқтисодиёт тармоқлари ўсиш суръати

фоизда



СОҲАЛАРДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ

Қишлоқ хўжалиги

- 200 минг Га ерни ижарага бериш
- Ҳосилдорликни гектаридан қўшимча 10-15 ца ошириш
- ҳудудларда 2 минг Га майдонларда замонавий иссиқхоналар қурилади
- 500 млн.доллар кредитни ўзлаштириш
- бугдой нархларини бозор даражасига етказиш
- 100 минг га оборотдан чиққан ерларни бозор тамойиллари асосида ўзлаштириш

Саноат

- электр энергияси ишлаб чиқаришни 78,6 млрд. кВт.соат ошириш (ўсиш – 8,8 фоиз)
- 9,6 млрд кВт соат қувватли 8 та лойиҳани ишга тушириш
- 2022 йилда табиий газ импортини 38% га ошириш
- 2,8 трли сўмлик маҳсулот GTL лойиҳасини ишга тушириш
- 6,5 млрд. доллардик 226 та инвестиция лойиҳалари ишга тушириш (*Навоий-КМК", "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси ва б.)*
- мис хомашёсини қайта ишлаш ҳажмини 70 минг тоннага ошириш (91 та янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш)
- Ўзкимёсаноати корхоналарини хусусийлаштириш ва трансформация қилиш
- мис кластерини ташкил этиш доирасида конларни тендерлар орқали сотиш
- саноат сиёсати стратегиясини тасдиқлаш ва уни амалиётга жорий этиш (BCG билан)

Хизматлар

- мобил-алоқа ва интернет абонент сонини 27,6 ва 24,6 млн.га етказиш
- оптик толали алоқа линиялари узунлигини 68 дан118 минг км.га етказиш
- авиарейслар сонини 12,2 дан 15,9 мингтага етказиш
- Мароканд-Навои темир йўл участкасини электрлаштириш
- Ғузор-Чим-Кўкдала" автомобиль йўлининг 35 км.ини реконструкция қилиш
- Ўзбекистон Темир йўллари" АЖни трансформация қилиш
- йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш доирасида ер майдонларини аукцион орқали сотиш